

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC 03/30.01.2021.1.16.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУКАДИРОВ АБДУЛЛА МАМАСААТОВИЧ

**СТРАТЕГИК ТАРАҚҚИЁТ МАҚСАДЛАРИГА МУВОФИҚ
МАКРОИҚТИСОДИЙ БОШҚАРУВ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.02 – Макроиқтисодиёт

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2024

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the doctoral (DSc) dissertation abstract

Абдукадиров Абдулла Мамасаатович

Стратегик тараққиёт мақсадларига макроиқтисодий бошқарув методологияси
мувофиқлигини такомиллаштириш 5

Абдукадиров Абдулла Мамасаатович

Совершенствование методологии макроэкономического управления в
соответствии с целями стратегического развития 37

Abdukadirov Abdulla Mamasaatovich

Improvement of macroeconomic management methodology in accordance with
strategic development goals 72

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 77

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC 03/30.01.2021.1.16.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУКАДИРОВ АБДУЛЛА МАМАСААТОВИЧ

**СТРАТЕГИК ТАРАҚҚИЁТ МАҚСАДЛАРИГА МУВОФИҚ
МАКРОИҚТИСОДИЙ БОШҚАРУВ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.02 – Макроиқтисодиёт

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.DSc/Iqt780 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tdiu) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:	Беркинов Б.Б.- и.ф.д., профессор Мустафокулов Ш.И.- и.ф.д., профессор Азимов Р.С.- и.ф.д., профессор
Етакчи ташкилот	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти (СМТИ)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30.01.2021.1.16.03 рақамли Илмий кенгашнинг “27” декабрь 2024 йил соат “14:00” даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй.

Тел.: +99871 2392872, email: tsue@tsue.uz; info@tsue.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. Диссертация АРМда ___ - рақами билан рўйхатга олинган.

(Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй.

Тел.: +99871 2392872, email: tsue@tsue.uz; info@tsue.uz)

Диссертация автореферати 2024 йил “__” декабр санасидан бошлаб расман тарқатилди (2024 йил “__” декабрдаги ___ - рақамли реестр баённомаси)

Худойкулов С.К.

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Ҳажиев Б.Д.

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Гофуров У.В.

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
и.ф.д., профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.

Жамиятнинг тараққиёт одимлари икки омилга – қўйилган стратегик мақсадлар моҳияти, ҳамда бу мақсадларга эришиш йўлида танланган бошқарув, иқтисодиётга таъсир кўрсатиш услубларига боғлиқ. Мақсад ва унга эришиш учун танланган услублар диалектикаси доим иқтисодий фикр марказида бўлган.

Кейинги йилларда иқтисодий назария ва амалиётда ижтимоий қадриятларга асосланган неолиберализм ғоялари, ҳамда давлат қудрати, имкониятига, хусусий мулк дахлсизлигига таянган янги кейнсиан ғоялари салоҳияти ва имкониятлари ҳақида кўплаб баҳслар олиб борилмоқда. Ўзбекистон тарихи моҳиятини тушуниш ва истиқболларини англаш учун ҳам бундай тадқиқотлар бизда муҳим.

Хусусан давлат, бизнес ва жамият ўртасидаги иқтисодий мулоқотнинг мантиғини ўрганиш иқтисодий сиёсат моделини тузишда катта амалий аҳамиятга эга. Жаҳон банкининг прогнозларига кўра умумдунё иқтисодиётининг ўсиш суръатлари 2024 йилда 2,6% даражада қолиб, 2025–2026 йилларда ўртача 2,7% ни ташкил этади. Бу COVID-19 пандемиясига қадар кузатилган 10 давомидаги ўртача 3,1% га тенг бўлган ўсиш суръатларидан анча паст кўрсаткич. Прогнозда таъкидланишича, дунё аҳолисининг 80% дан ортиғи истиқомат қиладиган мамлакатларда ўртача ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган 10 йилги суръатларга нисбатан пастроқ бўлади. Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётининг узвий қисмига айланди. 2023 йил натижалари бўйича Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) 2022 йилга нисбатан ўсиш суръатлари 5,8% ни ташкил этган. Шу билан бирга давлат харажатлари 17,9 фоизга ўсиб, давлат ташқи қарзи 34.9 млрд АҚШ долларини, ёки ЯИМнинг 38.4%ни, жорий тўлов дефицити эса 7,8 млрд АҚШ долларини (ЯИМга нисбатан 8,6%) ва йиллик инфляция 8,8 %ни ташкил этган.

Бундай воқелик шароитида бошқарув амалиётида ички ва ташқи таъсир, оптимал шароит омилларини инобатга олган ҳолда институционал, маъмурий ва макроиқтисодий компонентларнинг оптимал йиғиндисини ва таъсир кучини яратиш катта аҳамият касб этади. Стратегик танлов моҳияти ва қўйилган вазифаларга эришиш услубиятлари самараси ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш муҳимлиги диссертациянинг **илмий долзарблиги ва заруратини таъкидлайди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон-2030 Стратегияси тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2017 йил 2 сентябрдаги [ПФ-5177-сонли](#) “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратadbирлар тўғрисида”, 2017 йил 8 сентябрдаги [ПФ-5185-сонли](#) “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар [концепциясини](#) тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20-декабрдаги “Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси” ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тадқиқотда норматив асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг давлат фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон - 2030» стратегияси тўғрисида” Фармони I-иловасининг иккинчи - “Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш” бобида қайд этилган “Фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш” вазифаси моҳиятидан келиб чиқиб амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Тарихан умумий мақсадларга эришиш йўлида давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг моҳияти ва мазмуни Сукрот¹, Афлотун² ва Арастудан тортиб, Буюк Француз фалсафаси намоёндаси Жан Жак Руссо³ (Jean-Jacques Rousseau) томонидан кенг ёритилган. XIX асрда давлат ва жамият фалсафий категориялари ўртасидаги муносабатларнинг моҳияти ҳақида сиёсий иқтисод илми классиклари Д.Риккардо⁴, Г.В.Гегель⁵, И.Кант⁶, К.Маркс⁷ ва бошқалар ёзган бўлсалар, XX асрда бу мавзулар Ф.Оппенгеймер⁸, М.Ротбард⁹, Г.Лассуэл¹⁰ асарларида батафсил ёритилди.

Давлат, жамият институционал тараққиёт асослари ва уларнинг иқтисодий ривожланишга таъсирини кўрсатиб ўтган муаллифлар асарларидан, жумладан, Торстейн Веблен¹¹, Джон Р. Коммонс (John R. Commons)¹², Джон Кеннет Гэлбрейт (John Kenneth Galbraith)¹³, Гуннар Карл Мюрдаль (Gunnar Karl Myrdal¹⁴), Карл Поланьи (Karl Polanyi¹⁵), Кларенс Эдвин Айрес (Clarence Adwin Ayres¹⁶) меросидан диссертацияда кенг фойдаланилган. Т.Веблен биринчи бўлиб “Беғам туркум назариясини” яратиб, молиявий олигархиянинг асл мақсадлари жамиятни боши берк кўчага олиб келиши эҳтимолларини ёритган. Диссертацияда неоинституционализм асосчиларининг асарларига алоҳида эътибор қаратилган, жумладан: Рональд Коуз (Ronald Coase¹⁷), Дуглас Норт

¹ Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов / Редактор тома и автор вступительной статьи А. Ф. Лосев, второе. М.: Мысль, 1986. (Философское наследие).

² Аристотель. Афинская политика. Перевод и примечания С. И. Радцига. 2-е изд. Государственное социально-экономическое издательство, М.: 1937.

³ [The Social Contract](#), or Principles of Political Right (Du contrat social), 1762

⁴ Давид Риккардо: <https://Principles of Political Economy and Taxation>

⁵ Георг Вильгельм Гегель: Фалсафий фанлар энциклопедияси:

<https://Encyclopedia of the Philosophical Sciences>

⁶ Иммануил Кант: Хукмлар критикаси: <https://Critique of Judgment>

⁷ Карл Маркс: Капитал. Сиёсий иқтисод танқиди: <https://Das Kapital>

⁸ Франц Оппенгеймер: “Давлат”: <https://www.franz-oppenheimer.de/state0.htm>

⁹ Мюррей Ротбард: Давлат Анатомиyasi:

http://rustate.org/rusunstate/Murray_Rothbard_Anatomiya_Gosudarstva.pdf

¹⁰ Гарольд Лассуэл: Психопатология ва сиёсат: РАГС нашриёти, 2005 й.

¹¹ T.Veblen, “Theory of Leisure Class” - “Беғам синф назарияси” автори, АҚШ иқтисодчиси ва социологи

¹² J.R. Commons: The Distribution of Wealth, Vol. 3 (1893).

¹³ J.K.Galbraith: The anatomy of power. Boston: Houghton Mifflin, 1983

¹⁴ G.K.Myrdal: Asian Drama: an inquiry into the poverty of nations. Australian Institute of Policy & Science, 1968

¹⁵ K.Polanyi: Economy and society : selected writings. Polity Press, Cambridge, 2018

¹⁶ C.A.Ayres: Institutionalism and economic development. 1960. Southwestern social science quarterly

¹⁷ R.Coase: "The Problem of Social Cost". 1960, University of Chicago

(Douglas North¹⁸), Оливер Уильямсон (Oliver E. Williamson¹⁹), Кеннет Эрроу (Kenneth Arrow²⁰), Джордж Стиглер (George J. Stigler²¹), Армен А. Алчиан (Armen A. Alchian²²), Гарольд Демсец (Harold Demsetz²³), Ричард Познер (Richard Posner²⁴), Александр Аузан²⁵ ва бошқаларнинг асарларига. Лекин энг теран таҳлил ҳозирги давлат-жамият-иқтисод муносабатларида давлатнинг етакчи ролини ёритган, ижтимоий иқтисодиёт назариясига асос солган Жон Кейнес (John Maynard Keynes²⁶) асарларига қаратилган. Унинг дунёқарашлари маълум сабабларга кўра Ўзбекистоннинг янги тараққиёт моделида макроиқтисодий бошқарув услубларининг маъноси ва мантиғини ташкил этган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Стратегия ва имкониятлар диалектикасини ўрганган файласуф, олим маърифатпарварларнинг аксарияти совет социалистик тизими стратегиясини ва қадриятларини чуқур билмаган. Бу борада изланишлар яқин 25-30 йилларда пайдо бўла бошлади (Жилас М.²⁷, Восленский М.²⁸, Ротбард М.²⁹). Профессор, и.ф.д. А.Аузан давлатнинг стратегик мақсадлари ва бошқарув муаммоларини институционал имкониятлар нуқтаи-назаридан ёритган бўлса, профессор В.Квинт масалага ишлаб чиқариш тармоқлари, корпоратив бошқарув усуллари самараси жиҳатидан қараган. Профессорлар Б.Беркинов, Т.Бобақулов Н.Жумаев, Ғ.Зоҳидов, Н.Махмудов макроиқтисодий бошқарув асосларини фискал, монетар омиллар самарасини таҳлил қилганлар.

Мустақиллик йилларидан кейинги Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг ва макроиқтисодий бошқариш, институционал иқтисодиёт илмий муаммолари ҳақида академиклар С.Гулямов³⁰, С.Зиёдуллаев³¹, И.Искандеров³², М.Шарифходжаев³³, иқтисод фанлари докторлари А.Абдуганиев³⁴, В.Ким³⁵, П.Носиров³⁶, Н.Тухлиев, Т.Эргашев³⁷, О.Хикматов³⁸ кенг мерос қолдирганлар.

¹⁸ D.North: Institutions Change and economic performance. 2012. Cambridge University Press

¹⁹ O.E.Williamson: Transaction Cost Economics: An Introduction. 2007. University of California, Berkeley

²⁰ K.Arrow, S.K.Suzumara: Handbook of social choice and welfare. 2011. Economics, Sociology, Political Science

²¹ G.J.Stigler: *The Theory of Price*. Review by: L.Kent. 1947. The Journal of Business of the University of Chicago

²² A.A.Alchian, W.R.Allen: Universal Economics. © 2018 by Pacific Academy for Advanced Studies (PAAS).

²³ H.Demsetz: From economic man to economic system. 2018. Cambridge University Press

²⁴ R.Posner: A Failure of capitalism. 2010, Business History Review

²⁵ Аузан А.: Институциональная экономика: Новая институциональная экономическая теория.

[ИНФРА-М](https://www.labirint.ru/books/258214/), 2011 г. <https://www.labirint.ru/books/258214/>

²⁶ J.M.Keynes: The General Theory of Employment, Interest, and Money. 1936. Cambridge, Harcourt, Brace & Co.

²⁷ Жилас Милован. «Янги синф»: https://archive.org/details/dzhilas_novyi_klass

²⁸ Восленский Михаил: «Номенклатура»: https://vtoraya-literatura.com/publ_1424.html

²⁹ Ротбард Мюррей: «Янги эркинлик сари»: <https://liberty-belarus.info/images/stories/start/Rothbard.pdf>

³⁰ [Основные направления модернизации банковской системы Республики Узбекистан](#) // Российское предпринимательство. – 2000. – Том 1.

³¹ Зиядуллаев С.К. Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемы ее развития. Т.-1967.

³² Искандеров И.И. «Экономика Узбекистана в едином народнохозяйственном комплексе страны». - Ташкент: о-во "Знание" УзССР, 1984.

³³ Шарифходжаев М. и др. «Производительные силы Узбекистана и перспективы их развития», Ташкент, 1975.

³⁴ Абдуганиев А. и другие: «Трудовые ресурсы Узбекистана и их использование». Ташкент, 1978

³⁵ Ким К.: «Совершенствование структуры топливно-энергетического баланса Средней Азии», Ташкент, 1974

³⁶ Носыров П.Х. и другие «Прогрессивные структурные сдвиги в промышленности Узбекистана», Ташкент, 1985

³⁷ Эргашев Т.Э. «Проблемы экономического стимулирования промышленного производства». Ташкент, 1976 год

³⁸ Хикматов А., Тростянский Д.: «Проблемы повышения конкурентоспособности национальной экономики»,

Мустақиллигимизнинг илк давридаги макроиқтисодий бошқарув моҳияти Қ.Абиркулов, Ҳ.Абулқосимов, Т.Ахмедов, Б.Бегалов, А.Бурханов, А.Вахабов, С.Воронин, Т.Жўраев, Н.Зуфарова, Н.Каримов, Я.Карриева, Н.Махмудов, Н.Муминов, Х.Мурадова, У.Мухиддинова, Р.Назарова, А.Расулев, Р.Рахманбаева, Н.Сиражиддинов, Н.Сотволдиев, Ш.Тошматов, Н.Хошимова ишларида акс этган.

Диссертация мавзусининг тадқиқотлар бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФМ-6 “Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш” мавзусидаги илмий лойиҳа, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Стратегик ислоҳотлар агентлигининг 2023-2024 йилларга мўлжалланган фаолият режаси доирасида бажарилган (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.03.2024 йилдаги ПҚ-109-сон қарори)³⁹.

Тадқиқотнинг мақсади. Стратегик тараққиёт мақсадларини белгилаш ва уларга эришиш учун танланган макроиқтисодий, институционал, ҳамда маъмурий услубиятларнинг моҳиятини ўрганган ҳолда, Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётини сифат жиҳатдан кейинги даражага кўтарувчи тараққиёт стратегиясининг макроиқтисодий асосларини, амалга оширишнинг методологик омилларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари: Тадқиқотнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг стратегик тараққиёт мақсадлари, институционал, маъмурий, ҳамда макроиқтисодий бошқарув методлари самарасининг тарихий эволюциясини ўрганиш;
- неолиберализм, ҳамда янги кейнсчилик иқтисодий тараққиёт ва бошқарув ғояларига асосланган икки давр давомида макроиқтисодий бошқарув услубиятлари самараси ва уларга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш;
- стратегик тараққиёт мақсадларини ижтимоий шартноманинг бир шакли сифатида илмий, амалий тадқиқот қилиш;
- Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган стратегияларнинг фискал, монетар моҳиятини, ҳамда маъмурий салоҳиятини таҳлил қилиш;
- мамлакат иқтисодиёти тараққиётига стратегик жиҳатдан таъсир этувчи макроиқтисодий, институционал ҳамда маъмурий бошқарув услубиятларини такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, унинг давомида белгиланган тараққиёт стратегиялари ва уларнинг жамият кадриятларига монандлиги, қўлланилган бошқарув методологик услублар моҳияти ва самараси.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қуйидагиларни эътироф этиб ўтамиз:

Ташкент, 2003

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.03.2024 йилдаги ПҚ-109-сон қарори. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган асосий йўналишлар бўйича ислоҳотларни амалга оширишнинг 2024 йилдаги устувор чора-тадбирлари тўғрисида

- мустақилликнинг илк йилларида неолиберализм иқтисодий бошқарув ғояларининг шаҳар ва қишлоқда мулк муносабатларини ўзгаришдаги роли;
- бошқарув услубиятларини танлашда ижтимоий-тарихий ва иқтисодий мероснинг аҳамияти ва таъсири;
- турли даврларда танланган макроиқтисодий бошқарув моделларининг ички элементлари ва самараси;
- неолиберализм ва янги кейнсчилик иқтисодий бошқарув моделларининг моҳияти ва жамият тараққиётига амалий таъсири;
- жамиятнинг янги тараққиёт стратегиясини амалга оширишда бошқарув услубиятларининг макроиқтисодий, институционал, ҳамда маъмурий соҳаларда такомиллаштириш имкониятлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Изланишимиз усуллари (**методологияси**) стратегик мақсадларни белгилаш ва уларни амалга ошириш йўлида танланган макроиқтисодий бошқарув услубиятлари монандлиги ва диалектик боғлиқлигини таҳлил қилишдан таркиб топган бўлиб, унинг таркибий қисмлари сифатида диалектик боғлиқликни аниқлаш, тарихий реализм, конструктивизм, объектив воқелик, мантикий дедукция, солиштириш, экстраполяция, проекция методлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- неолиберализм ҳамда янги кейнсчилик иқтисодий бошқарув моделларининг Ўзбекистоннинг тарихий ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳосиятларига белгиловчи таъсири макроиқтисодий бошқарув методлари тизими танлови билан боғлиқ ҳолда очиқ берилган;
- макроиқтисодий сиёсатда неолиберализм ғояларининг кучли марказлаштирилган бошқарув тизими, ҳамда хусусий мулкка асосланган ишлаб чиқариш кучларининг ялпи ички маҳсулотни яратишдаги ҳал қилувчи роли бўлмаган шароитда давлат патерналисмига эволюцияси ва унинг макроиқтисодий оқибатлари илмий асослаб берилган;
- макроиқтисодий чекловлар доирасида (инфляция даражасини тарғиб қилиш, асосий ставкани, алмашув курсини маълум даражада сақлаш, тижорат банклари фаолиятини кучли назорат қилиш каби) иқтисодий бошқарув амалиёти юритиш моделидан иқтисодий стимуллар яратиш бошқарув моделига ўтишнинг макроиқтисодий, институционал, ҳамда маъмурий асослари ишлаб чиқилган ва илмий-амалий асослаб берилган;
- амалиётда мавжуд стратегик бошқарув ҳужжатлари мантикий ва моҳиятан таҳлил қилинган, таснифланган ва уларнинг асосий камчиликлари ёритиб берилган ва шу аснода стратегик бошқарув методологияси ва институционал асосларини такомиллаштириш соҳасида таклифлар ишлаб чиқилган;
- стратегик тараққиёт истиқболларини белгилаш ва уларни амалга ошириш жараёни ижтимоий шартноманинг бир тури деб, бу шартноманинг давлат ва жамият ўртасида ўзаро таъсир кўрсатиш воситаси сифатида макроиқтисодий, институционал ва маъмурий асослари методологик ва амалий

нуктаи-назардан такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар билан белгиланади:

– инфляцияни чеклаш, макроиқтисодий мўътадилликни таъминлаш борасида таклифлар, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг иқтисодий-сиёсий таъсирини ошириш (камбағаллик даражасини камайтириш, ижтимоий сегрегацияни чеклаш, тадбиркорларнинг фаоллик даражасини ошириш, иқтисодий жадалликни стимуллаш каби) борасидаги тавсиялар ишлаб чиқилган;

– мамлакат ялпи ички маҳсулот салоҳиятини (потенциалини) аниқлашда кўп омилли моделларнинг кўрсаткичларининг вазни борасидаги ишлаб чиқилган, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси таркибий қисми сифатида ўрта муддатли асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозларини аниқлаш борасида таклифлар берилган;

– давлат тасарруфидаги корхоналарни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнида уларда халқаро молиявий ҳисоботлар стандартини жорий этиш, корхона бошқарувини дунёдаги энг мақбул амалиётлар асосида корпоратив бошқарув (ЭСГ) стандартлари қўллашни кенгайтириш, корхонада хатарларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, бизнес жараёнларини рақамлаштириш таклифлари ўрта муддатли асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозларини ишлаб чиқишда қаратилган;

– инфляцияни таргетлаш соҳасидаги фаолиятини молиявий стимуллаштириш омиллари билан уйғунлаштиришга, фискал, давлат инвестициялари сиёсати амалдаги монетар сиёсат билан мувофиқлаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган;

– макроиқтисодий бошқарув методологиясини такомиллаштириш борасида тавсия этилган Financial programming and policies симуляция моделига киритилган меъёрий аниқликлар турли тараққиёт сценарийлари ва уларнинг ижтимоий ҳимоя кўрсаткичларига таъсирини аниқлаштиришга қаратилган;

– янги ижтимоий шартнома элементлари сифатида макроиқтисодий бошқарув методологиясига фискал, монетар соҳаларда киритилган ўзгаришлар мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация муаллифнинг кўп йиллик иқтисодий соҳаларда олиб борган изланишлари, давлат бошқарув органларидаги фаолияти, давлат ва жамият бошқаруви асослари соҳасида хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг нуктаи-назарини инобатга олган ҳолда ёзилган. Маълумотларнинг аксарияти Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, халқаро ташкилотларнинг расмий маълумотларидан олинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти стратегик тараққиёт мақсадлари ва макроиқтисодий бошқарув усуллар ўртасидаги диалектик боғлиқликни иқтисодий мезонлар билан ёритишда. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса макроиқтисодий бошқарув методологиясини тараққиёт мақсадлари моҳиятига мос равишда такомиллаштириш ва бунинг ҳуқуқий, институционал асосларини яратишда.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертациянинг қуйидаги амалий натижалари Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги (2024 йил 13 ноябрь 02/26-23623-сонли) хатига биноан:

– инфляцияни чеклаш, макроиқтисодий мўътадилликни таъминлаш кўрсаткичлари уларнинг жамият ҳаётига иқтисодий-сиёсий таъсирини баҳоловчи (камбағаллик даражасини камайтириш, жамиятда сегрегацияни олдини олиш, тадбиркорларнинг фаоллик даражасини ошириш, иқтисодий жадалликни стимуллаш каби) тавсиялар ишлаб чиқилган. Натижада камбағалликни қисқартириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурлар доирасида қўлланишга имконини беради;

– мамлакат ялпи ички маҳсулот салоҳиятини (потенциалини) аниқлашда кўп омилли моделларнинг кўрсаткичларининг вазни борасидаги ишлаб чиқилган таклифлар, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси таркибий қисми сифатида ўрта муддатларга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозларини ишлаб чиқишда фойдаланилади;

– мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзга хослигидан келиб чиқиб, макроиқтисодий сиёсатни олиб бориш билан бир қаторда таркибий ва соҳавий ислохотлар, хусусан тадбиркорлик муҳитини яхшилашда мулк муносабатларини ривожлантириш, хусусийлаштириш, тармоқ ва соҳаларни эркинлаштиришга қаратилган ислохотларни комплекс амалга ошириш йўналишидаги таклифлар ишлаб чиқилган. Бу эса, ҳар йили ишлаб чиқиладиган давлат дастурлар доирасида таклифларни шакллантиришда фойдаланиш мумкин;

– давлат тасарруфидаги корхоналарни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнида уларда халқаро молиявий ҳисоботлар стандартини жорий этиш, корхона бошқарувини дунёдаги энг мақбул амалиётлар асосида корпоратив бошқарув (ESG) стандартлари қўллашни кенгайтириш, корхонада хатарларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда бизнес жараёнларининг ҳар бир бўғинини рақамлаштириш таклифлари ўрта муддатларга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогнозларини ишлаб чиқишда қўлланилади;

– инфляцияни чеклаш, макроиқтисодий мўътадилликни таъминлаш кўрсаткичлари уларнинг жамият ҳаётига иқтисодий-сиёсий таъсирини баҳоловчи камбағаллик даражасини камайтириш, жамиятда сегрегацияни олдини олиш, тадбиркорларнинг фаоллик даражасини ошириш, иқтисодий жадалликни стимуллаш каби) муаллим томонидан тавсия этилган меъёрлар ҳаракатнинг “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг бугунги ҳолати ва имкониятларини таҳлилий ўрганиш” лойиҳаси доирасида кенг қўлланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий тезислари 2 та халқаро, 4 та маҳаллий илмий конференцияларда тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги 4 та халқаро ва 11 та маҳаллий илмий журналларда, ҳамда муаллифнинг илмий монографияси тарзида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, тўртта боб, якуний хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 262 бетни ташкил этган.

Диссертациянинг асосий мазмуни.

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот иши мавзусининг долзарблиги, давлат фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзусининг тадқиқотлар бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, унинг мавзуси бўйича классик ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг усуллари, хулосаларининг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Биринчи боб “Стратегик тараққиёт ва макроиқтисодий бошқарув диалектикаси назариясининг асослари” ҳақида бўлиб, унда стратегик тараққиёт мақсадлари ва бошқарув методологияси диалектикаси қўйилган мақсадларга эришишда жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларига кўрсатиладиган таъсири макроиқтисодий, институционал, ҳамда маъмурий бошқарув услублари асосида ифодаланган. Жамиятга амалга ошириш учун таклиф қилинган стратегия одатда ўрта муддатли келажакда маълум ижтимоий-иқтисодий ютуқларни, кўрсаткичларга эришишни таклиф қилиб, бу жараённинг маълум шарт-шароитларини ёритиб беради. Яъни бу мақсадларга эришиш шартли ва бу шартларни бажаришда давлат томонидан ҳам, жамият томонидан ҳам маълум мажбуриятлар келишиб олинади. Бошқарув назариясига кўра стратегия “макон сифати кўрсаткичлари” ва “эркинликлар мажмуаси” каби икки асосий қадриятлар комбинациясидан иборат бўлади. Жамият тараққиётининг қайсидир босқичида ижтимоий шартноманинг шартлари иқтисодий барқарорлик ва фаровонлик эвазига (макон сифати) сиёсий эркинликларни давлатчиликни тиклаш мақсадларига бўйсундириш бўлса, қайсидир босқичда умумхалқ ер ости бойликларини тезроқ айланмага киритиш, давлат харажатларини (демакки иқтисодиётга фискал юкни) кескин ошириш ҳисобига тараққиёт суръатларни тезлаштириш бўлиши мумкин. Бундай нуқтаи-назардан стратегик тараққиёт мақсадлари маълум маънода ижтимоий шартноманинг бир тури бўлиб намоён бўлади. Бу шартномада томонлар (давлат ва жамият) турли ҳуқуқий институтлар, маъмурий структуралар, ҳамда макроиқтисодий бошқарув методлари негизида ўзаро мулоқот қиладилар. Диссертацияда ушбу проблематика Ўзбекистон тараққиётининг икки даври моҳиятидан келиб чиқиб ўрганилган. 1991-2016 йиллар мустақилликка эришиш ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш йиллари бўлиб, унда асосан ички имкониятларга таянган ҳолда неолиберализм ғоялари таъсирида макроиқтисодий барқарорликни ўрнатишга ҳаракат қилинган. Бундай неолиберализмнинг негизи ва асослари қишлоқда ердан фойдаланиш ҳуқуқининг асосий бозор муносабатларининг асосий активи сифатида киритилиши, хусусийлаштиришнинг объектив зарурати, давлат бошқаруви таъсирини камайтириш каби институционал омилларга таянган бўлса, макроиқтисодий жиҳатдан давлат молия ресурслари ва мажбурлаш имкониятларига таяниб бошқаришга, монетар ва эмиссион сиёсатни давлат мустақиллигини сақлаш императивига бўйсундиришга таянган (қар.1-жадвал).

Ўзбекистонда неолиберализм негизлари ва асослари

Институционал	Маъмурий	Макроиктисодий
Қишлоқда ердан фойдаланиш ҳуқуқи	Шаклан 3 та ҳокимият институтларининг мавжудлиги	Фавқулотда давлат бюджети, кейинчалик тизимли бюджет ва
Хусусийлаштириш қонунчилиги	Ижроия ҳокимиятда ваколатлар ва масъулиятларнинг нисбий баланси	Бюджетдан ташқари турли жамғармалар
Давлат бошқаруви таъсирини камайтириш қонунчилиги	Ишлаб чиқариш экотизимини йирик корхоналар атрофида	Монетар ва эмиссия сиёсатлари ижроия ҳокимияти қўлида
Бозор инфраструктурасини яратиш қонунчилиги	Молия тизимини бюджет ва давлат банклари орқали ташкил этиш	Давлат банклари фаолиятининг МБ томонидан кучли назорати
Кичик ва ўрта бизнес кафолатлари	Қишлоқ хўжалигида йирик ишлаб чиқариш кучларини давлат	Давлат корхоналари молиясини назорати
Озиқ-овқат ва истеъмол моллари учун конвертация режими	Маориф ва соғлиқни сақлаш хизматлари тўла давлат зиммасида	Ташқи савдо ва валюта алмашинуви давлат назоратида
Корпоратив бошқарувда давлатнинг ишончли вакиллари	Жамиятда кучли табақаланишга йўл қўймаслик устидан назорат	Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида фискал ва монетар
Давлат бюджети ва давлат харажатлари устидан назорат	Давлат институтлари фаолияти самараси устидан қаттиқ назорат	Бюджет ҳисобидан минимал даражада ижтимоий ҳимоя
Иқтисодий тараққиётга туртки	Жамиятни маълум бир тараққиёт ғояси атрофида жипслаштиришга	Кичик ва ўрта бизнесга имтиёзли кредитлар берувчи жамғармалар
Хорижий инвесторларга алоҳида кафолатлар бериш механизми	Хорижий инвесторлар учун маҳсус иқтисодий фаолият зоналари	Ишчи ўринларини яратиш – бозор масъулияти

2017 йилдан бошлаб аста-секин давлат патернализмига айланган неолиберализм ғоялари кейинчилик ғояларига ўрин берди. Ўтган даврда эришилган натижалар негизида тараққиётни давлат инвестициялари негизида тезлатиш ва дунё иқтисодиётининг тўлақонли интеграл қисмига айланиш мамлакат ривожланишининг асосий моҳиятини касб этди. Дастлабки мустақиллик йилларига келиб ҳам Ўзбекистон асосан аграр мамлакат бўлиб, 1991 йилда қишлоқда умумий аҳолининг аксарияти (61 фоиздан ортиғи) яшаб⁴⁰, қишлоқ хўжалигида умумий меҳнат ресурсларининг 41% дан ортиқ қисми банд эди⁴¹. 1990-йиллар давомида хусусийлаштириш ва давлат инвестициялари негизида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожлангани, ҳамда тезлашган урбанизация ҳолатлари кузатилгани сабабли, 2000-йилларга келиб Ўзбекистон иқтисодиёти тобора тобора индустриал ва пост индустриал иқтисодиёт хусусиятларини намоён қила бошлади. 2011 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигидаги доимий аҳоли улуши деярли ўзгаришсиз қолиб (қар.1-графика), қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ЯИМ даги улуши 2010 йилдан бери муттасил тушиб бормоқда (36,2% дан 2023 натижаларига кўра 26,7%).


Мустақилликнинг илк йилларида амалга оширилган неолиберализм сиёсати натижасида ердан фойдаланиш ҳуқуқи унга эгалик ҳуқуқидан айри

⁴⁰ [О демографических процессах в Узбекистане](#)

⁴¹ [Ўзбекистан Занятость в сельском хозяйстве - данные, диаграмма | TheGlobalEconomy.com](#)

институт деб белгиланиши қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантиришнинг энг муҳим элементи эди.

1-графика




Лекин қишлоқда дастлабки капитал жамғармасининг йўқлиги, ердан фойдаланувчиларнинг моддий имкониятлари чекланганлиги, ерни қайта ишлаш, унинг сифатини сақлаш ва кўтаришга кетган транзакцион харажатларни инобатга олиш ва компенсация қилиш механизми ишлаб чиқилмаган бир шароитда давлатнинг ердан фойдаланувчилар фаолиятига аралашуви кучайиши, патернализм муносабатлари ўсиши учун қулай имкониятлар туғилди. Қишлоқда пахта ва ғаллага бўлган давлат буюртмаларининг бажарилиши даражаси фермер ва деҳқонларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқларининг давом этиш этмаслигининг мезони эди. Ер том маънода хусусий мулк бўлмай, давлатнинг мулки эканлиги (йирик мулкдор), уни қайта ишлаш сув ресурсларининг мавжудлигига боғлиқлиги, катта миқдорда қўл меҳнатини талаб қилиши (қишлоқда дастлабки капитал жамғарилмаган, инвестициялар кам бўлгани туфайли ерни қайта ишловчи ишлаб чиқариш воситалари етишмаган шароитда), ҳамда ерда меҳнат қилувчилар нафақат ерга, балки ердан олинган маҳсулотга ҳам эгалик қила олмаслиги қишлоқда классик Осиёча ишлаб чиқариш усули юзага келиши ва унинг кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш асоси бўлишига кенг шароит яратиб берди. Шаҳарларда ҳам хусусийлаштириш натижасида дастлабки капиталга етарли даражада эга бўлган ва хусусий ишлаб чиқаришни йўлга қўя оладиган тадбиркорлар синфи ҳал қилувчи куч сифатида шаклланмаган эди. Буларнинг барчаси неолиберализм ғояларининг жамият иқтисодий тараққиётида ҳал қилувчи драйверга айланишини чеклаб, аксинча, кучли патерналистик иқтисодий бошқарув моделининг юзага келишига асос яратиб берди.

1991-1999 йиллар давомида амалга оширилган неолиберализм бошқарув модели негизида бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш кучларини қишлоқда ва шаҳарда ривожланишига тўртки бериш, ҳамда макроиқтисодий уйғунликка эришиш анча мураккаб масала эди. Бу йилларда Ўзбекистонда ўта марказлашган давлат тизими инъикоси сифатида юзага келган макроиқтисодий бошқарув

институтлари собиқ СССР ишлаб чиқариш ва алмашув тизими коллапси ортидан иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларини кескин тушиб кетмаслигига маълум даражада хизмат қилди (қар.2-графика).

2-графика



1990-йилларда мамлакат иқтисодий тараққиёти натижаларини солиштирганда шунини назарда тутиш муҳимки, хўжалик алоқалари бузилгани, собиқ СССР бозори уни таркибидаги бир республика бозори билан чеклангани, макроиқтисодий бошқарувда (фискал ва монетар соҳаларда) ўта марказлашган патерналистик ёндашув барпо бўлгани туфайли неолиберал бошқарув модели кенг замин топмаган ва оқибатда Ўзбекистон халқ хўжалиги ялпи ички маҳсулот ҳажми солиштира қийматлар кўрсаткичи асосида 2010 йилга келибгина 1990 йил даражасига етган.⁴² Шунга қарамай, бу кўрсаткичлар бошқа собиқ СССР республикалари иқтисодиёти инқирози фонидан анча юқори даражада бўлган. 1996 йил натижаларига келиб мамлакат ЯИМ ҳажмида ўтган йил натижаларига нисбатан 1,7 фоизга ўсишга эришган. Ўзбекистон иқтисоди 2011 йилнинг натижасидагина 1990 йил ЯИМ абсолют кўрсаткичи даражасига чиқди.

Мустақилликнинг илк йилларидаги неолиберал тараққиёт моделининг институционал ютуқларига қарамай, қишлоқда йирик ишлаб чиқариш бўғимлари пайдо бўлмади, ерни қайта ишлаш транзакцион харажатлари илгаригидек фермерлар зиммасида қолди, шаҳарларда янги тадбиркорлар синфининг етарли шаклланмагани маълум маънода давлат бошқарувида неолиберализм ғояларининг таназзулини белгилаб берди. 1990-йилларнинг охирида давлат номенклатурасининг бизнесни назорат қилиб, ундан сезиларли миқдорда фойда олиш (“бизнесни енгиш” - business capture) амалиёти кўринишлари турлича шаклларда намоён бўла бошлади: давлат томонидан халқ хўжалиги тармоқларига ажратиладиган маблағларни сарфланиш йўналиши ва

⁴² Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат статистика агентлиги маълумотларига кўра

тақсимотини назорат қилиш, ташқи савдо, бартер ва нормал пул муносабатларига таянган операциялар, валюта тақсимоти қоидаларини белгилаш ва назорат қилиш, божхона ва банк тўловлари тизимини назорат қилиш, пул айланмаси катта бўлган давлат корхоналари фаолиятини акция пакетлари орқали назорат қилиш шулар жумласидан эди.

Бундан ташқари, шу йилларда минтақада ташқи ва ички хавфлар мавжуд бўлиб, барқарор тинчлик ҳукмрон бўлиши учун ҳарбий ва жамоа тартибини сақлаш давлат органлари фаолиятини янги принциплар асосида қайта куриш зарурати пайдо бўлган эди. Жамиятда кучли маъмурий номенклатура, яъни куч ишлатар органларининг жамоа хавфсизлигини, қуролли кучлар эса ташқи чегараларни мустаҳкамлашни таъминлаш бўйича ҳарбийларнинг мавқеини қайта кўриб чиқишга ижтимоий талаб пайдо бўлди. Мамлакатнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча концептуал ёндашувлар қайта кўриб чиқилди, ижтимоий хавфсизлик ва миллий мудофаани таъминловчи давлат органлари ваколатлари кенгайтирилди, идоралараро ахборот алмашуви, кадрларни танлаш тизимлари янги мезонлар асосида қайта тузилди. Натижада кучли давлат номенклатураси давлат бошқаруви фаолиятига тубдан аралашиб, унинг имкониятларини назорат қилиб, жамиятни ўз таъсири, шартлари асосида бошқарди ва бу шароитда неолиберализм ғоялари патернализмга борган сари ён боса бошлади.

Диссертациянинг **биринчи боби хулосалари** қуйидагилардан иборат:

– мустақилликнинг илк йилларида иқтисодий назария ва амалиёт кўпроқ неолиберализм ғояларига таянган бўлиб, унинг драйверлари хусусийлаштириш ва қишлоқда ердан фойдаланиш ҳуқуқини бозор инструменти қилиш орқали янги тадбиркорлар синфини яратишда эди. Аммо жамиятнинг инерцион ҳолати патернализм ғояларига бўлган эҳтиёжни тобора кучайтирди ва марказлашган бошқарув тизими тобора кенгайиб, мустаҳкамланиб борди;

– 2005-2015 йиллари дунё бозорларида конъюнктуравий ўзгаришлар туфайли Ўзбекистоннинг анъанавий экспортини ташкил этган ҳом-ашё ресурсларига нархларнинг ўсиши, трансчегаравий пуллар оқимининг ортиши, аҳолининг тадбиркорликка бўлган интилиши, асосий капиталга инвестициялар ошиши Ўзбекистон иқтисодий тараққиёти учун жуда ноёб имконият берди. Лекин валюта конвертациясини чеклаш, унумсиз инвестицион лойиҳаларни давлатнинг марказлаштирилган молиявий ресурслари ҳисобига амалга ошириш, ўзини оқламаган маҳаллийлаштириш, импортни чеклаш сиёсати Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг агентларининг рақобатбардошлигини кескин чеклади;

– иқтисодиёт ўсишининг ички имкониятлари чекланган шароитда давлат бюджетининг ЯИМдаги улуши баъзи йиллари ҳатто 29,8%гача чиқди. Ваҳоланки, давлат харажатлари ЯИМнинг 20%дан ошса, иқтисодий тараққиёт секинлаша бошлаши иқтисодий фикхда инкор этилмаган гипотеза.⁴³ Давлат бюджети харажатларининг ошиши ташқи қарзнинг ўсиши ҳам олиб келди;

⁴³ Қаранг: “Бюджетный дефицит в оптимизации”: <https://www.cer.uz/en/post/publication/budzetnyj-deficit-v-optimizacii>; А.Илларионов: Российская экономика в рецессии. <https://www.rbc.ru/economics/03/06/2002/>; А.Илларионов: Действия государства в экономике не могут быть оптимальными. <https://libertarium.ru/67536.html>

– 2000-йилларда трансчегаравий ўтказмалар мамлакат тараққиёти учун жуда катта аҳамият касб этиб, оилаларнинг реал даромади, тадбиркорлик фаолияти ўсишига стимул бўлди. Лекин реал даромадлар ўсишининг ташқи омилларга боғлиқлиги борган сари кучая бошлади;

– неолиберализм ғоялари ортидан олиб борилган хусусийлаштириш амалиётлари шаҳарда ижтимоий капитални қайта тақсимлаш негизда янги тадбиркорлар синфини институционал куч сифатида юзага чиқишини тўла таъминлай олмади. Қишлоқда ер муносабатларининг ўзига хослиги, ерга ишлов берувчилар ҳуқуқларининг чегаралангани, ерга ишлов беришга катта меҳнат ресурслари талаб қилингани патернализм шароитида классик адабиётларда эътироф этилган Осиёча ишлаб чиқариш аломатлари пайдо бўлди. Юзага келган бошқарув номенклатураси иқтисодий фаолиятнинг барча жабҳаларини назорат қила бошлади. Бу жараёнлар дастлабки ижтимоий шартнома асослари аста-секин инкирозга учраганини кўрсатар эди.

Янги Ўзбекистон шароитида стратегик тараққиёт мақсадлари, янги макроиқтисодий бошқарув усуллари қўлланилганига қарамай, юқорида келтирилган омиллар мамлакат иқтисодиётини ҳануз орқага тортди, чунки тарихий ижтимоий-иқтисодий, институционал факторларга асосланган тараққиёт магистраль йўлагидан чиқиб кетиш ҳам осон амалиёт эмас эди.

Иккинчи боб “Макроиқтисодий бошқарув методологиясининг эволюцияси ва янги кейнчилик” асосларини пайдо бўлишининг объектив асосларини ёритишга қаратилган. Халқаро хомашё бозорида талаб ва нархларнинг ўсиши Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги имкониятлар яратди. Янги шароитда шу вақтгача тўпланилган иқтисодий капитал базасида (катта ҳажмдаги олтин-валюта захиралари, ЎТТЖ активлари, нисбатан кичик ҳажмдаги давлат харажатлари ва давлат қарзи, хомашё ресурсларига талаб жиҳатидан жаҳон бозоридаги қулай конъюнктура) иқтисодий юксалиш одимларини тезлатиш шароити юзага келди (қар.3-графика).


3-графика



2004 йилдан бошлаб Хитой, Ҳиндистон ва кўпгина Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг шиддатли иқтисодий тараққиёти негизида дунё бозорларида ўта муҳим хомашё ресурсларига талаб кескин ошиб, нархлар кўтарила бошлади. Бу тенденциялар 2016 йилдан кейин ҳам – янги ҳокимият йилларида янада яққол кучайди. Мамлакатда келажак иқтисодий ўсиш пойдеворини яратиш, иқтисодиёт, жамият тараққиётида йиғилиб қолган ва узоқ вақтлар ечилмаган макроиқтисодий, аввалапм бор, монетар ва фискал барқарорликка қаратилган ислоҳотларни 2016 йилдан бошлаб амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Бу жараёнларда ривожланаётган давлатлардаги ислоҳотларнинг асосий автори ва уларни амалга оширишга молия маблағлари ажратадиган ташкилот – Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки раҳбарлари, олим ва консултантларининг ўрни катта бўлиб, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришда етакчи роли бўлиши кераклиги марказий ғоя бўлиб қолди. “Янги кейнсчилик” ғоялари шу аснода макроиқтисодий бошқарувнинг асосий моҳиятини ташкил этди. Унинг асосий элементлари қуйидаги постулатлар эди:

- фискал сиёсатда давлат даромадлари ва харажатларини кескин ошириб, ўз зиммасига жуда катта иқтисодий, ижтимоий масъулиятларни олади;
- давлат энергетика, озиқ-овқат соҳасидаги суверенитети, транспорт, логистика, экспорт каби соҳаларни драйверлар деб билиб, сармоялар киритади;
- катта инфраструктуравий (ичимлик, суғориш суви, кўприклар, арзон уй-жой, йўллар, санитар тозалаш зоналари, экологияни яхшилаш), саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар давлат жалб қилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади, public investments/spending кескин ошади. Натижада янги иш ўринлари яратилиши, иқтисодиётдаги талаб юқори бўлиши кутилади;
- ижтимоий соҳада аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш (айниқса, периферия ва қишлоқларда), маҳаллалар кесимида махсус тараққиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари амалга оширилади. Ижтимоий ёрдам ва “лифтлар” тизими кам таъминланган қатламларга жорий этилади.

Амалга оширилаётган инвестицион ва ижтимоий лойиҳалар туфайли давлат харажатларининг ўсиши, бюджетда турли субсидиялар ҳажмининг ортиши (айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етиштириш ва экспорт қилиш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик харажатларининг бир қисмини қоплаш бўйича) ялпи ички маҳсулот ҳажмларининг юқори даражада ўсиши билан компенсация қилиниши назарда тутилган эди. Айланмадаги пул ҳажмининг ўсиши талабни кескин орттириб ички бозордаги талаб ва таклиф мувозанатига, унинг ортидан нархлар ўсишига олиб келиши мумкин эди. Марказий банкнинг монетар сиёсати моҳияти ана шу негатив ҳолларнинг таъсирини камайтиришга қаратилган бўлиши кўзда тутилган эди. Аммо фискал сиёсат объектлари (ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар, жамият) пруденциал монетар сиёсат объектларидан (банк ва нобанк молиявий институтлар) ялпи ички маҳсулотдаги улуши ва таъсири турлича бўлгани учун макроиқтисодий сиёсатнинг турли иқтисодиёт тармоқларига таъсир чегаралари ва кўлами доимо турлича бўлади. Фискал харажатлар ошиб, пулнинг нархи ўсган шароитда давлат харажатларининг ўсиш суръатлари юқори бўлиб, ЯИМга нисбатан улуши 2021 йилга келиб 30% дан ошиб кетди (қар.4-графика).



Абсолют миқдорда ҳам давлат харажатларининг динамикаси сезиларли ўсишни кўрсатди. 2018-2023 йиллар давомида давлат бюджети харажатларининг абсолют кўрсаткичлари 2,29 баробар ўсиб, 30 млрд АҚШ доллари эквивалентини ташкил этди (қар.5-графика).



Лекин бюджет даромадларининг ўсиши 2022 йилдан бошлаб деярли стагнация ҳолатида қолиб келмоқда. 2023 йилда даромадларнинг ўсиши 0,3 млрд АҚШ доллари бўлган ва 2024 йилнинг 9 ойи давомида ўсиш ўтган йил мос

кўрсаткичларига нисбатан 14,4 % яъни истеъмол ва саноат моллари нархи индекси ўсиши ва ЯИМ дефлятори доирасида бўлган.⁴⁴

Марказий банкнинг монетар сиёсати давлатнинг асосий инвестиция сиёсатининг комплиментар (тўлдирувчи) қисми деб қаралган эди. Ваҳоланки, монетар сиёсат айланмадаги пул массаси ҳажми ва пул нархига таъсир ўтказиб, умумий талабни камайтириши кўзда тутилган эди. Марказий банкнинг асосий ставкани инфляция даражасидан сезиларли даражада юқори сақлаш, тижорат банкларининг капиталига, активлари ва пасивлари сифатига, резерв тўловлари ҳажмига бўлган талабларни юқори даражада белгилаш, тижорат банкларига кредит портфели фойдаси даражасига тенг миқдорда турли депозитлар ва облигациялар таклиф қилиш сиёсати пулнинг нархини кескин кўтарилишига, талабнинг торайишига олиб келди. Давлатнинг юмшоқ стимуллаштириш йўлидаги инвестициялари туфайли эса, умумий талаб аксинча ўсиб бориши мумкин эди. Лекин ички таклиф чекланган, алмашув курси стабил бўлган шароитда талаб кўпроқ импорт ҳисобига қондирила бошлади. Ички бозорнинг истеъмол қиймати яратиш борасидаги имкониятлари чекланганлиги туфайли (хусусан, кичик ва ўрта бизнес учун солиқлар юқорилиги, инвестициялар учун пулнинг нархи ўртача фойда даражасидан баланд шароитда) умумий талабнинг катта қисми борган сари импорт ҳисобига қондирила бошлади. 2011 йилгача мамлакат экспорти ҳажми импортдан юқорироқ эди. 2012-2016 йиллар давомида ташқи савдода 3 млрд АҚШ доллари атрофида дефицит пайдо бўлди. 2017 йилдан эса бу дефицит кескин ўсишни бошлаб, 2022 ва 2023 йилларда бу дефицит 11,2 ва 14,9 млрд АҚШ долларини ташкил этди (қар.6-графика).

6-графика



2015 йилдан бошлаб Марказий банк ўзининг макроиктисодий фаолиятида инфляцияни таргетлаштиришни (маълум кўрсаткич доирасида ушлаш) асосий парадигма деб белгилади. 2017 йилдан бошлаб кредитларнинг ўртача фоиз ставкаси ва асосий ставка ўртасидаги фарқ, унинг ортидан реал фоиз ставкалари (кредит ставкалари билан инфляция даражаси орасидаги фарқ) кескин ўса

⁴⁴ <https://t.me/minecofinuz/10104>

бошлади ва 2023 йил охирига келиб тегишли равишда 8,8% ва 14,2 % ларни ташкил этди (қар.7-графика).

7-графика.



2017-2018 йиллар давомида Ўзбекистон Марказий банкининг Базель III талабларига мослаш учун тижорат банклари капитални ошириб бориш талаби туфайли Ўзбекистондаги жами тижорат банкларининг капитали 2,3 баробар ўсган бўлса, 2018-2020 йиллар оралиғида шу талаблар кетидан банклар капитали ҳажми яна 2,47 баробар, 2020-2023 йиллар оралиғида эса 1,74 баробар ошиб, абсолют миқдорда 89,030 трлн сўмни ташкил этди (қар.8-графика).

8-графика



Банкларнинг ана шу даврларда активлари ҳажми, соф фойдасининг ўсиш суръатлари бўйича барча бошқа турдаги бизнеслардан устун бўлиб қолди: 2017-2023 йиллар давомида барча тижорат банкларининг активлари 7,32 баробар (732,44%) ўсиб, абсолют миқдорда 615,802 трлн сўмни, соф фойдаси 4,27 баробар (426,53%) ўсиб, 8,023 трлн сўмга етди.

Ялпи ички маҳсулот ички тузилишида молиявий ва суғурта хизматлари ҳажми узлуксиз ортиб борди (қар.9-графика).

9-графика



2023 йил натижалари бўйича молиявий ва суғурта тармоқлари маҳсулоти ҳажми ЯИМнинг 4,5% ни ташкил этиб, тоғ-кон саноати маҳсулоти ҳажмларидан юқори даражани қад қилди. ЯИМ тузилишида хизмат кўрсатиш соҳалари (савдо ва маиший хизматлар, кўчмас мулк операциялари, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, молиявий хизматлар ва суғурта фаолияти, ташиш ва сақлаш хизматлари каби) улушининг кескин ошиши (47,2 фоиз) ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиши, бу соҳаларга инвестиция жалб қилишнинг макроиктисодий ва институционал муаммолари борлигига ишора бера бошлади. Ҳукумат қабул қилган қарорларнинг инвестицион ва фискал моҳияти Марказий банкнинг монетар чеклаш амаллари моҳиятига борган сари кўпроқ зид кела бошлади ва монетар чеклаш Марказий банк масъулияти доирасида бўлган инструментлар билангина амалга оширилди. 2017-2023 йилларда давлат харажатларининг ўсиш суръатлари 230% дан ортиқ бўлса, ЯИМнинг ҳажми 148,5%га ўсиб, 2023 йилда \$ 90.9 млрдни (жорий даврдаги ўртача алмашув курси билан ҳисобланган эквиваленти бўйича) ташкил этди. Давлат харажатлари, давлат қарзи, трансчегаравий ўтказмалар ҳажмларининг ўсиши бир томондан ялпи ички маҳсулот ҳажмларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатган бўлса, иккинчи томондан ташқи савдо оборотида импортнинг ўсиши, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг соф оқими волатил (ўзгарувчан) бўлишига олиб келди.

Келтирилган статистикадан кўриш мумкинки, давлат харажатлари, трансчегарвайи оқимлар ҳажми, давлат қарзи миқдори ва ташқи савдо айланмаси ўртасида тўғридан-тўғри чизиқли боғлиқлик мавжуд. Лекин инвестициялар ҳажми турли бошқа вақтинча спекулятив факторларга боғлиқ бўлгани учун улар ҳажмининг волатиллиги юқори (қар.10-графика).

10-графика



Давлат томонидан инвестициялар ва ижтимоий соҳаларга сарфлар кўпайгани билан бу тадбирларнинг камбағаллик даражасига бевосита таъсири мавҳумлигича қолмоқда, чунки келтирилган статисти кадан давлат инвестициялари ҳисобига яратилган ишчи ўринлари сонини аниқлаш имконияти йўқ. 2023 йилда 2022 йилга нисбатан камбағаллик даражаси 3 фоиз пунктига камайиб, умумий аҳоли сонидан 11% ни ташкил этди. 2023 йилда жами **4,1 млн** аҳоли, шундан **2,3 млн** нафари доимий ва мавсумий иш ўринларида, **112,8 минг** нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларида, **1,6 млн** аҳоли ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига бандлиги таъминланди⁴⁵.

“Янги кейнсчилик” иқтисодий бошқарув методологияси мамлакатнинг иқтисодий кўлами нисбатан кичик, ички таклифни (айниқса ишлаб чиқариш воситалари соҳасида) кескин ўстириш имкониятлари чекланган ҳолда, молиявий барқарорлик ва ташқи инвестициялар оқимининг катта бўлишига асосланган. Халқаро кредиторлардан олинадиган маблағлар нисбатан арзон ва иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини таъминлаш учун асосий манба бўлган шароитда “янги кейнсчилик” тарихий зарурат ҳам эди. Бу сиёсат фискал соҳада “Ҳар бир оила тадбиркор”, “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” каби дастурлар, ҳамда, драйвер соҳаларга катта давлат инвестицияларини, жумладан, қарзлар ҳисобига жалб қилиш ортидан иқтисодий ўсишга фискал стимул беришга

⁴⁵ <https://gov.uz/uz/bv/news/view/5337>

таянган бўлса, иккинчи томондан монетар соҳада чекловчи омилларга банкларнинг транзакцион харажатларини кескин оширувчи Базель III регулятив нормативларини қўллаш, асосий ставкани баланд тутиш, инфляцияни таргетлаш амалиётларига таянган эди (қар.2-жадвал).

2-жадвал

Янгиланиш даври иқтисодий сиёсатининг уч устуни ("янги кейнчилик")		
Фискал стимуллар	Макроиқтисодий барқарорлик	Институционал ва маъмурий ислохотлар
“Ҳар бир оила тадбиркор”, “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” каби дастурлар ортидан иқтисодий ўсишга фискал туртки бериш;	Базель III регулятив нормативларини қўллаш	Тараққиёт стратегиялари асосида тизимли тараққиёт моделига ўтиш
Драйвер соҳаларга катта давлат инвестицияларини, жумладан, қарзлар ҳисобига жалб қилиш;	Асосий ставка билан инфляция даражаси ўртасидаги фарқни катта тутиш. Банкларнинг даромадларини стабиллаштириш;	Маъмурий давлат бошқарув органлари фаолиятини аниқлаштириш ва такрорийликни камайтириш
Ипотека дастурлари, шаҳарлар потенциалини ошириш учун давлат харажатлари ҳажмини кенгайтириш;	Ҳуқуқий нормаларни қабул қилиш жараёнларини Президент қарорлари асосида жадаллаштириш	Давлат бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш
Экспортни қўллаш учун турли фискал енгилликлар бериш;	Молия бозорида регулятор эмас, бозор қатнашчиси сифатида молия бозори инструментлари нарҳига таъсир ўтказиш	Тадбиркорлар, бизнес билан мулоқот платформасини яратиш
Қишлоқ хўжалиги тармоқларига катта субсидиялар бериш	Инфляцияни таргетлаш	Корпоратив бошқарув ислоҳоти

Лекин Covid-19 дан кейинги шароитда халқаро молиявий дунёда пул нарҳи ошиши ва барча давлатлар пул айланмаси ҳажмини қисқартириш, инфляцияни жиловлаш йўлига ўтиши ҳам барча тадқиқотчилар томонидан таъкидланганди. Бундай шароитда иқтисодий тараққиёт драйверларини ўзгартириш, давлат харажатларини камайтириш, макроиқтисодий бошқариш усулларини ички иқтисодиётни ўсишига, майда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратиш керак эди. Инфляциянинг асосий сабаби монетар соҳада бўлмай, асосан ташқи савдо ортидан содир бўлаётган бўлса-да, Марказий банк ўз таъсири доирасидаги омиллардан келиб чиқиб, урғуни монетар бошқарувга қаратмоқда. Хўжалик субъектлари ташқи савдодан олинадиган фойда ҳажми ички бозорга нисбатан бирмунча юқори бўлсагина бу амалиётга киришади. Шундай қилиб, экспорт ва импорт моллари нарҳида айнан ички ва ташқи бозордаги нарҳлар ўртасидаги фарқ ўтиради ва бу фарқ ички бозордаги чекланган таклифга қарши туради (талаб ва таклиф мувозанати маҳсулот яратилган эмас, маҳсулот сотилган ҳудуд доирасида белгиланади). Айнан ташқи савдо маржаси туфайли Марказий банк асосий ставка ва инфляциянинг ўртача йиллик кўрсаткичлари ўртасидаги фарқни юқори даражада сақламоқда. Марказий банкнинг асосий ставкаси кўрсаткичлари баландлиги унумсиз инвестиция лойиҳалари, турли ижтимоий-сиёсий лойиҳаларга асосан давлат банклари томонидан берилаётган кредитлар (“Ҳар бир оила тадбиркор”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ва ипотека дастурлари) бўйича қайтмаслик даражаси (NPL) ошиши⁴⁶ шароитида


⁴⁶ Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) тўғрисида 2024 йил 1 октябрь ҳолатига маълумот <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/1923784/>

макроиқтисодий уйғунликка олиб келмайди. Тижорат банклари ликвидлик даражасини қўллаб туриш учун янада кўпроқ қиммат ресурслар жалб қилишга мажбур бўлиб, бу ҳолат кредит нархларининг ҳам кескин ўсишига олиб келди. Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларига нисбатан белгиланган барча пруденциал нормативлари бошқа мамлакатларда белгиланган нормативлар билан солиштирганда бирмунча агрессив ва қисман бу ҳолат пулларнинг умумий нархи, жумладан, кредитларнинг нархи жуда юқори бўлишига олиб келди. Марказий банк нейтрал регулятор бўлиш ўрнига кўпроқ имконияти чексиз бўлган депозитлар ва қимматли қоғозлар бозори ўйинчисига айланиб бормоқда, яъни бу бозорларда Марказий банк бозор мувозанати ва қоидаларига таъсир ўтказиш ва белгилаш даражасида молиявий ва методологик имкониятларга эга.

Давлат харажатларининг ўсиши, унинг ортидан ички ўсиш имкониятлари чекланган шароитда ташқи қарз ҳажмининг кўтарилиши, ташқи савдо дефицити, тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг ўзгармаслиги жорий тўлов балансига қўшимча юкламаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Тўлов балансини алмашув курсини қайта кўриш ҳисобига қисман яхшилаш имконияти молиявий барқарорлик императиви шароитида инобатга олинмас эди. Лекин миллий валюта алмашув курсининг девальвацияси маълум чегараларда (импорт ҳажмининг тобора ўсиши ва истеъмол бозорининг жуда катта қисми импорт ҳисобидан қондирилаётган бир шароитда) инфляциянинг ўсишига таъсири қилса-да, импорт миқдорини камайтириб, жорий тўлов балансига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин эди. 2023 йил натижалари бўйича жорий тўлов баланси дефицити 7,8 млрд АҚШ доллари, ёки ЯИМнинг 8,6% га тенг бўлди⁴⁷ (қар.11-графика).

11-графика

Жорий операциялар бўйича тўлов баланси динамикаси



⁴⁷ <https://cbu.uz/uz/statistics/bop/1651171/>

Бу дефицитнинг асосий сабаблари - ташқи савдо дефицитининг ҳажми (хизматлар билан) 17,6 млрд доллар (2022 йилга нисбатан 3,9 млрд долларга) ўсиши, капитал ва иш ҳақи соф оқимлари (бирламчи даромадлар) – минус 761 млн доллар (2022 йилда 902 млн доллар мусбат оқим эди) га тушиши. Трансчегаравий оқимлар (иккиламчи соф оқимлар) 10,5 млрд долларни ташкил этган,⁴⁸ лекин негатив баланс ёпилмаган ва, афсус-ки, 2024 йил давомида давлат харажатлари, ташқи қарз ва ташқи савдо дефицити ўсиши давом этди.

Инвестицион сиёсатда Ўзбекистон иқтисодиёти учун ўзига хос локомотив бўлиши мўлжалланган соҳаларда ишлаб потенциали ошиб, самарадорлик паст даражада ўсди. Умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръатлари тушиб бормоқда: жорий нархларда ўтган йилларга нисбатан - 2021 йилда 23,7 фоизга, 2022 йилда эса 21,3 фоизга, 2023 йилда 19,1 фоизга ўсган (саноат нархлари дефлятори бу ерда инobatга олинмаган) бўлиб, бу асосан ёғочдан ясалган буюмлар, тўқимачилик ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳисобига эришилди. 2024 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра жалб қилинган умумий давлат қарзининг 19% ёқилғи-энергетика саноати, 9% - транспорт ва транспорт инфратузилмаси, 9% - қишлоқ ва сув хўжалиги, 9% уй-жой ва коммунал хўжалик соҳаси лойиҳаларига сарф қилинган.⁴⁹ Бу лойиҳалар кўпроқ бюджет ҳисобидан истеъмол характериға эға бўлиб, уларнинг даромад келтириш потенциали турли сабаблар туфайли олган кредитларни тўла қайтариш фурсати давомида (5-7 йил ичида) кредитлаш харажатларини - асосий қарз ва фоизлар, ҳамда транзакция харажатларини қоплаш учун етарли даражада бўлмаслик эҳтимоли юқори. ХВЖ маълумотларига [кўра](#)⁵⁰, 2023 йил якуни бўйича умумий ташқи қарз (давлат ва давлат томонидан кафолатланган қарз, кафолатланмаган давлат корхоналари қарзи ва хусусий ташқи қарз) 53 млрд доллар ёки ЯИМнинг 60 фоизига етган.

Covid-19 пандемияси ва ундан кейинги ижтимоий-сиёсий жараёнларда деярли барча мамлакатларда жамиятнинг дунёқарашида жиддий ўзгаришлар юз бергани аён бўлди. Бир неча давлатларда олимлар томонидан олиб борилган кенг қамровли кузатувлар шуни кўрсатдики, кишилар уй ва ишда бўлиш жараёнларида депрессия ва ташвиш белгилари кучайган, уйда бошқаларға ғамхўрлик қилиш учун мослаштиришға интилган инсонлар сони кескин ортиб, ишға бўлган лаёқат даражаси кескин тушган. Инсонлар вақтинча бўлса-да уйда қолишдан жуда кучли руҳий тушкунлик ва ташвишға тушишлари, оилада молиявий танглик ва ижтимоий изоляция муҳити маиший зўравонлик хавфини карралаб кучайтириши мумкинлиги аён бўлган. Кишилар ўртасида давлатнинг иқтисодий сиёсатиға ишончсизлик ортган вақтда, жамиятда фуқаролараро ўзаро қўллаб-қувватлаш институтларига талаб ва ишонч кучайган.⁵¹ Бу кузатувлар Ўзбекистон учун ҳам тўла тааллуқли ва иқтисодий сиёсатда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш (кичик корхоналар учун фискал сиёсатни қайта кўриб

⁴⁸ <https://t.me/Mirkonomika/2022>

⁴⁹ Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ташқи қарз бўйича ахбороти. <https://www.imv.uz/static/umumiy-jadval>

⁵⁰ Republic of Uzbekistan: 2024 Article IV Consultation-Press Release; and Staff Report. July 11, 2024/

<https://www.imf.org/en/Publications/CR/Issues/2024/07/11/>

⁵¹ [How the COVID-19 pandemic has changed our lives: A study of psychological correlates across 59 countries](#)

чиқиш), фуқаролик институтлари фаолиятини қўллаб қувватлаш (ўзаро хусусий молиялаштириш асосида кичик-кичик ижтимоий худудий муаммоларни ҳал этиш механизмларини яратиш), инсонларнинг яшаш муҳити шароитларига эътиборни кучайтиришга қаратилган (ичимлик суви, оқава сувлар, энергия, интернет таъминоти, фуқаролар учун хизмат қилувчи инженер иншоатлари ҳолатини яхшилаш, мактабгача ва мактаб таълими, маҳаллий шифолаш хизматлари қамрови ва сифатини яхшилаш каби) ташаббусларни амалга оширишни талаб қилади (қар.3-жадвал). Ўсиб бораётган давлат харажатларида бундай инклюзив ёндашув ҳал қилувчи таъсирга эга бўлиши керак, чунки жамият ўз кадриятлари аксини давлат харажатлари ҳажми билан мунтазам таққослайди.

3-жадвал

Covid-19 ва иқтисодий воқеликнинг ўзгариши	
Халқаро молиявий ва товар бозорларида:	Ўзбекистон молиявий ва ички бозорларида:
Ишлаб чиқариш харажатлари ва нархлар ўсиши	Давлат харажатлари кескин ўсиб, ЯИМнинг ўсиш суръатларидан юқори бўлди
Молия бозорларида пул нархи кўтарилиши	Ташқи инвестицияларга асосланган иқтисодий тараққиёт модели имкониятлари кискарди
Халқаро сиёсий тангликнинг кучайиши	Давлат бюджети ва тўлов баланси дефицити ҳажми 5 ва 8% лардан ошди
Жаҳон тўловлари тизими рисклари ошиши	Талабнинг тобора катта қисми импорт ҳисобига қондирила бошлади
Янги бозорлар учун курашнинг кескинлашуви	Логистика харажатлари ортиши туфайли экспорт имкониятлари торайди
Меҳнат ресурсларига талаб мезонлари ўзгариши	Хизматларга бўлган эҳтиёж иқтисодиётнинг асосий драйвери бўлиб қолди
Эркин фаолиятга асосланган даромадга талабнинг ортиши	Демографик ҳолат ва геосиёсий танглик ички иш ўринларига талабни оширди
Ривожланаётган мамлакатлардан капитал оқимининг кучайиши	Камбағалликка қарши курашиш иқтисодий сиёсатнинг моҳиятига айланди

Кескин ўсиб бораётган бюджет харажатлари ва ташқи қарз ҳажми, юқори кредит ставкалари шароитида паст даражадаги инвестицион фаолият, жорий тўлов баланси дефицитининг кўтарилиши, камбағаллик даражасининг шунча қилинган стимуллаштириш омилларига қарамай юқори кўрсаткичлар қолиши, режалаштирилган кўламда пасаймаётган инфляция⁵² **иккинчи боб** таҳлиллари натижаси сифатида қуйидаги **хулосаларга** асос бўлди:

1. Ўзбекистонда иқтисодий либераллаштириш, тараққиётга стимул бериш ғояси Дж.Кейнснинг давлат харажатларини инвестицион, ижтимоий лойиҳалар ҳисобига ошириш, умумий талабни юқори даражада ушлаб туриш, пул массасини ЯИМга нисбатан кичик миқдорда тутиб, юқори ставкалар билан инвестицион фаолиятни чеклаш ғояларига таянган эди.

2. Давлатнинг ўз молиявий имкониятлари чекланган шароитда бу ғоя керакли маблағларни дунё молия бозорларидан имкон қадар жалб этишга моне қилади. Тарихан қисқа муддатда халқаро молия бозорларида кредитларнинг арзонлашганлиги иқтисодиётнинг ўсиши асосий имкониятга айланди. Covid-19 пандемияси таъсири сусайиши билан 2022 йилдан бошлаб бу имконият ёпилди.

3. Ўзбекистонда 2022 йилдан кейин ҳам иқтисодий ўсишни танланган юмшоқ молия сиёсати билан амалга ошириш, инфляцияни чеклаш, айланмадаги пул массасини ЯИМ ва кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига нисбатан паст миқдорда сақлаш ғояси қўлланилди. Кичик корхоналар учун солиқ режими соддалаштирилиб, қўшилган қиймат солиғидан унча катта бўлмаган (4%

⁵² Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий ахбороти: <https://t.me/centralbankuzbekistan/10366>

даражада) айланма солиққа ўтиш, айланма маблағлари учун арзон кредит (йиллик 14%)⁵³ олиш имкониятларини яратиш муҳим.⁵⁴

4. Марказий банкнинг 2015 йилдан олиб борган инфляцияни таргетлаш сиёсати 2017 йилдан кескинлашиб, монетар услублар ёрдамида **пул массаси ўсишини чеклаш** амалиётлари кенг миқёсларда қўлланилди. Марказий банк асосий ставка ва инфляциянинг ўртача йиллик кўрсаткичлари ўртасидаги фарқни юқори даражада сақламоқда. Бу кўрсаткичлар тижорат банклари учун ориентир бўлиб, кредит ставкаларининг ўртача тортилган ставкалари юқори даражада сақланиб туришига, тадбиркорларнинг оборот ва инвестицион сўровларига молиявий ресурслар мавжудлиги чекланганлигига олиб келмоқда. Марказий банк **нейтрал регулятор** бўлиш ўрнига имконияти чексиз бўлган депозитлар ва қимматли қоғозлар бозори ўйинчисига айланди.

5. Тижорат банклари фаолиятини назорат қилишда Basel III талабларидан юқори даражадаги нормативларнинг қўлланилиши (депозитларга нисбатан захира талаблари, рискка тортилган активлар даражасини белгилаш ва банклар капитали, активларига нисбатан белгиланган пруденсиал нормативлар) кредит ставкаларининг **кескин ошишига** олиб келди.

Учинчи бобнинг моҳияти макроиктисодий бошқарувни такомиллаштиришнинг инструментал-методологик асосларини ёритишга бағишланган. Макроиктисодий бошқарув методологияси стратегик тараққиёт мақсадларини белгилаш, бу вазифаларга эришишнинг кўп вариантли моделини тузиш ва уни ҳар томонлама таҳлил қилиш (инструментал база), ресурслар, ички ва ташқи имкониятлар, рисклар ва вақт факторларини инобатга олган иктисодиётга таъсир этувчи институционал, маъмурий ва макроиктисодий таъсир кўрсаткичларини (фискал ва монетар соҳаларда) белгилашдан иборат. Лекин мамлакатда амалиётда бўлган стратегиялар, концепциялар ва дастурларнинг барчаси ҳам бундай методология талабларига жавоб бермайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 2024 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра мамлакатда умумий миқдорда 125 та стратегик тараққиёт ҳужжатлари (стратегик тараққиёт йўналишлари, концепциялар ва дастурлар) қабул қилинган. Бу ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнларида бир қатор ҳуқуқий, институционал ва ташкилий-амалий камчиликлар мавжудлиги аниқланди:

– мамлакат миқёсида стратегик бошқарув асосларини белгилаб берувчи, жумладан, стратегик бошқарув ҳужжатлари таърифи, уларнинг таснифи, ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш, қабул қилиш, тегишли ресурсларни мобилизация қилиш, амалга ошириш, мониторинг қилиш, белгиланган тадбирлар бажарилмаганда жавобгарлик даражасини белгилаш, зарур бўлганда ўзгаришлар киритиш тартиби аниқланмаган;

– стратегик ҳужжатлар таснифланмагани учун турли даражадаги бошқарув органларининг ваколати ва жавобгарлиги ҳам белгиланмаган;

⁵³ Бу кўрсаткичлар муаллифнинг давлат бошқарув органларидаги фаолияти ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланган йилларида ўтказган изланишлари ва кузатувлари натижасида эмпирик тарзда аниқланган. Уларни асослаб бериш муҳим ва алоҳида катта масала бўлиб, бу мақсад жорий изланишимиз доирасига кирмайди.

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан бўладиган анъанавий мулоқотларида бу фикрлар 2022, 2023 ва 2024 йилларда тадбиркорлар томонидан кўп таъкидланган.

– турли тадбирларни танлаш мезонлари ишлаб чиқилмаган, тадбирлар кўп ҳолларда ўзаро мантқан боғлиқ, бир мақсадга интилган яхлит йиғим эмас, ихтиёрий танлаб олинган тадбирлар йиғиндисидек намоён бўлади. Уларни танлашда молиявий ва бошқа ресурс имкониятлари назарда тутилгани аниқ эмас;

– стратегияларда белгиланган тадбирлар билан давлат бюджети харажатларининг инклюзивлиги таъминланмаган;

– турли стратегияларни мувофиқлаштириш, ўзаро сингдириш ва амалга ошириладиган тадбирларни ўзаро боғлаш механизмлари ишлаб чиқилмаган.

Таҳлил қилинган 125 та стратегик ҳужжатлар ичида бир ёки бир нечта камчилик аниқланган:

– 48 тасида ечилиши лозим бўлган муаммоларнинг аниқ тарифи берилмаган;

– 46 тасида мақсадларга эришиш билан боғлиқ бўлган турли иқтисодий, ҳисобот ва норматив кўрсаткичлар белгиланмаган, яъни стратегияни амалга оширишда қандай кўрсаткичлар динамикаси кузатилиши бутунлай номаълум;

– 85 тасида умумлаштирилган ҳисобот ва мониторинг тизими белгиланмаган, турли ваколатли шахслар жавобгарлиги белгиланмаган;

– 17 тасида ҳаракатлар режаси, вазифаларнинг иерархияси ва приоритетлари белгиланмаган, катта натижа берувчи, лекин вақт талаб қилувчи натижалар, тез бажариладиган ишлар бир хил режалаштирилган;

– 83 тасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш режаси (ижрочилар, вақти, ресурслар ажратиш механизми, жавобгарлик, ҳисобот ва мониторинг тизими) белгиланмаган.

Таҳлиллар мантиғидан келиб чиқиб, тадқиқот давомида стратегик режалаштириш тизимининг ҳуқуқий ва институционал асослари, ҳамда амалга оширилиши зарур бўлган институционал ислоҳотлар жамланмаси ишлаб чиқилган. (қар.1-инфографика).

1-инфографика




Бу тизимнинг ҳукуқий ва амалий ишлар иерархияси мавжуд бўлиб, шаклан қуйидаги асосий бўлинмалари мавжуд. Энг юқори даражада, тушунарли мезонларга кўра Стратегия-2030 туради, чунки бу ҳужжат 2023 йилда тасдиқланган бўлиб 5 та асосий йўналиш бўйича мамлакат тараққиёт истиқболини анча деталлашган ташаббуслар йиғиндисини ўз ичига олган. Кейинги ўринда мамлакат тараққиёти стратегиясининг ташкилий қисми бўлган турли минтақалар (агломерациялар) ва ҳудудларни ривожлантириш стратегиялари. Бу икки турдаги стратегик вазифаларни белгилашдаги асосий мезонлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон халқи ва парламентга мурожаатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятлари ва маҳаллий халқ депутатлари кенгашларининг турли ташаббус ва сўровлари ётади. Бу вазифалар умумий ҳолда Бирлашган миллатлар ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) мантиқи ва моҳиятидан келиб чиқади. Бу мақсадлардан ташқари жамият учун муҳим бўлган кадриятлар, уларни ифода этувчи ижтимоий кўрсаткичларни тарғиб қилиш муҳимлиги асосланган. Кадриятлар ва иқтисодий бошқарувда халқ маърифатини ифода этувчи орият категорияси тарғиб этилиши муҳим бўлган кўрсаткичлар билан билан диалектик боғлиқлиги гипотезаси тақдим этилган. Шу нуқтаи-назардан жамиятнинг инклюзив тараққиёт модели асослари сифатида кадриятлар шажараси тақдим этилган. Унинг элементлари макон кадрияти, бунга қулай шароитларда яшаш тарзи ва атроф-муҳитга экология нуқтаи-назаридан ғамхўрлик кадрияти ҳам киради, ҳамда эркинлик кадриятларидир. Диссертацияда эркинлик кадриятининг таркибий қисмлари сифатида сўз эркинлиги, саёҳат қилиш, машғулот эркинлиги, ҳокимиятни сайлаш ва уни қайта чақириш, барча жамият аъзоларининг шахсияти ва мулки дахлсизлиги таъминлаш эътироф этилган.

Тадқиқот доирасида ижтимоий тармоқлардан (X – илгариги Twitter платформаси) фойдаланган ҳолда “Янги ижтимоий шартнома элементлари Сизнингча қандай бўлиши керак?” - деган савол асосида ижтимоий сўров ўтказилди. Сўровда 5103 респондентлар иштирок этиб (impressions), улардан 463 киши бевосита саволларга жавоб беришган (engagements). Берилган опциялар бўйича овозлар қуйидагича тақсимланган: таълимни кучайтириш шартига умумий овозларнинг 42% (ёки 194 овоз), ижтимоий адолатни таъминлаш шартига – 42% (194 овоз), камбағалликни енгиш - 43% (ёки 133 овоз), атроф-муҳитни ва маданиятни муҳофаза қилиш 20%дан (ёки 62 тадан овоз) ва қолган 17% (51 овоз) Марказий Осиёда кооперацион алоқаларни ривожлантириш олган.


Кадриятларни турли иқтисодий кўрсаткичларга трансформация қилишнинг асосий усулларида бири турли макроиқтисодий режалаштиришнинг симулятив моделларини қўллаш. Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг тавсияларига амал қилиб тадқиқотда биз financial programming and policies (FPP) симуляция моделига асосий эътиборни қаратдик. Бунда ташқи савдо, инвестициялар, инфляция, давлат харажатлари ва давлат қарзи кўрсаткичларининг ЯИМ динамикасига таъсири турли жабҳалардан ўрганилди. Кўрсатилган факторлар ўзгариши эса жамият учун муҳим кадриятларнинг макроиқтисодий бошқарувнинг инклюзив қисми деб

тахмин қилинди. Таъкидлаш керакки, биз ўтказган FPP симуляция ва башорат қилиш моделини қўллаган изланишлар даставвал шуни аниқладики, Ўзбекистон иқтисодиётнинг потенциал имкониятлари билан реал кўрсаткичлар ўртасида фарқ ортиб бормоқда (қар.12-13 графикалар)

12-графика




13-графика



2019 йилдан сўнг ЯИМ тафовути манфий кўрсаткичларни ташкил этган, яъни ЯИМнинг реал ўсиш суръатлари унинг потенциали (имкониятларидан) амалга оширилган инфляцияни жиловлаш тадбирлари ортидан пастга манфий кўрсатувларга тушган. ЯИМнинг ўсиш суръатлари эса тушиб бориш трендини кўрсатмоқда 2019 йилгача бозордаги катта инвестициялар туфайли ЯИМнинг реал ўсиши потенциалдан юқори бўлган. Бу ҳол **2017 - 2023** йиллар давомида мамлакатда инвестициялар ҳажмининг кескин ўсиши билан (йилига ўртача **14,5%** ва жами **1 460,4** трлн сўмлик капитал қўйилмалар амалга оширилган) билан боғлиқ. Инвестицияларнинг ЯИМга таъсири бир оз вақт ўтган кўринади. **2017 – 2023** йилларда ЯИМнинг ўртача ўсиши **5,3% ни** ташкил этиб, мазкур ўсишнинг **3,9** фоиз банди инвестициялар ҳисобига тўғри келган.

Валюта курсини белгилашда ҳам методологик ёндашувларни ўзгартириш зарур, молиявий регулятор нейтраллиги принципи ўта муҳим (қар.14-графика).

14-графика



FPP симулятив моделлаштириш доирасида ўтказган тадқиқотларимиз

шуни кўрсатдики, монетар стабиллик нуқтаи-назаридан реал валюта курси бўйича доимо нейтрал ҳолатга интилиш мақсадга мувофиқ (яъни алмашув курси миллий валютанинг тўлов қобилияти ва инфляцияга монанд тушиб боргани маъқул). Лекин бизнинг тадқиқотларда кўрсатилган давлат олтин-валюта захиралари ичида олтин ҳажмининг камайиши, сотилаётган олтин ҳажмининг ўсиши ва айнан шу даврларда алмашув курсининг мустаҳкамланиши ўртасидаги боғлиқлик мавжудлиги бундай нейтралликнинг йўқлигидан далолат беради, яъни МБ томонидан валюта бозорида бюджет ижроси мақсадларида олтин захираларини сотилиши ва унинг ортидан айланмадаги сум ҳажмини стерилизация қилиш амалиётлари катта эҳтимол билан доллар интервенциясига олиб келаябди. **2019 йилдан** кейинги даврда миллий валютанинг реал курси мувозанатдан узоқлашиб ҳамкор давлатлар валюталарига нисбатан қарийб **10 фоизга** мустаҳкамланган. Реал валюта курсининг ўсиши импортни рағбатлантириб, экспортнинг рақобатбардошлигини пасайтиради. Бу эса ўз навбатида аввалги бобларда кўрсатиб ўтилганидек, жорий ҳисоблар дефицитининг янада кенгайишига таъсир ўтказди. Молиявий барқарорликка қаратилган алмашув курси стабиллиги тескари натижа бермоқда.

Тадқиқот давомида ЯИМнинг динамикасига таъсир этувчи тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми, инфляция даражаси, ташқи савдонинг ички тузилиши, давлат захиралари динамикаси, алмашув курси ва фискал баланслар ички ва халқаро товарлар ва молия бозоридаги тенденциялардан келиб чиқиб прогнозлаштирилди. Бу кўрсаткичлар параметрларининг 3 та сценарийси таҳлил қилиб чиқилди. Уччала сценарийда ҳам 2019-2023 йиллардаги ЯИМ динамикаси 2025-2027 йиллар учун экстраполяттив монанд бўлиб чиқмади, яъни ўтган давр тенденцияларига таъсир қилган омиллар йиғиндиси келаси давр учун етарли вазнга эга бўлмади. Бу номутаносиблик ўтган давр ЯИМ кўрсаткичларига турли макроиктисодий омиллардан ташқари ҳукуқий-институционал омиллар ҳам таъсир ўтказганига ишора берди.

FRP симулятив моделининг натижаси сифатида **III-бобнинг хулосалари** сифатида макроиктисодий бошқарув методологиясининг такомиллаштириш борасида қуйидаги **таклифлар** ишлаб чиқилди:

– чекланишлар императивини иқтисодий тараққиётни қўллаш императиви билан алмаштириш, хусусан, инфляцияни чеклаш, алмашув курсини маълум коридорда тутиш, асосий ставкани инфляциядан кескин юқори тутиш методларидан иқтисодий стимуллари яратиш, қисман неолиберализм моделига ўтиш зарур. Хусусан, монетар соҳада ички инвестицияларни жонлантириш, кичик бизнес тараққиётига кенг йўл бериш мақсадида арзон пул резервларини барпо этиш зарур. Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (ЎТТЖ) капиталини кескин ошириш, у орқали давлат ва хусусий тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларини қайта молиялаштириш лозим;

– фискал соҳада кичик бизнес учун солиқларни соддалаштириб, уларни барқарор қилиш зарур. Кичик корхоналарнинг умумий солиқ тўлаш режимига ўтадиган йиллик даромад суммасини кўпгина давлатлар тажрибаси каби ҳозирги 1 млрд сўмдан 10 млрд сўм миқдорига кўтариш керак;

– алмашув курсини валюта бозорида Марказий банк томонидан катта

интервенциялар ҳисобига стабил ушлаб туриш импортга бўлган талабни кескин оширмоқда ва ички ишлаб чиқариш стимуллари қиймат кредит нархлари билан бирга йўқ қилмоқда;

– монетар сиёсатда Базель III қўмитаси тавсияларига асосан давлат банкларининг пруденциал нормативлари юмшатилиши лозим (капиталга, резерв ажратмалари, активларни таснифлаш ва ҳоказо кўрсаткичлар бўйича;

– макроиктисодий сиёсат самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида давлат харажатларини кескин қисқартириш (инвестициялар ва компенсация тўловларини бюджетдан чиқариш, уларни давлат банклари зиммасига самарани аниқлаш, муддатли ва тўловли тарзда қайта молиялаштириш принципларига асосланган ҳолда амалга ошириш механизмини жорий этиш) асосида иқтисодий ўсишни тиклаш чоралари таклиф этилди.

Диссертациянинг IV-боби “Макроиктисодий бошқарувнинг институционал асосларни такомиллаштириш”га бағишланган. Бошқарув методлари билан институционал ислохотлар ўртасидаги боғлиқлик шундаки, бошқарув институтлари қабул қилинган қарорларни амалга ошириш механизмлари ва бу жараёнларда турли иштирокчилар ўртасидаги муносабатларни, ўзаро таъсир кучларини белгилаб беради. Ҳуқуқий асослар ва институтлар назарда тутилган ислохотларда ҳаракатлар легитимлиги ва ижро механизмини белгилаб бергани учун ўта муҳим. Айнан мана шу факторлар макроиктисодий ислохотларни давлат бошқарув институтлари фаолияти моҳияти ва масъулияти чегараси билан қайта кўриб боришни тақозо қилади.

4-жадвал

ЯНГИ ИЖТИМОЙ ШАРТНОМА КОНТУРЛАРИ: ҚАДРИЯТЛАР ИҚТИСОДИЙ ФАЛСАФАСИ		
ФИСКАЛ	МОНЕТАР	ИНСТИТУЦИОНАЛ
<ol style="list-style-type: none">1. Давлат харажатлари удушини ЯИМдан 20% оширмаслик;2. Давлат бюджетни ҳисобидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштирмаслик, субсидия ва компенсацион тўловларни олиб ташлаш;3. Кичик бизнесни умуний солиқларга ўтиш чегарасини 10 млрд сўм белгилаш;4. Фискал қондаларни 5 йил давомида ўзгартирмаслик;5. Financial programming and policies симулятив режалаштиришда иқтисодий стимулларга кўпроқ эътибор қаратиш;6. ЎТТЖ ҳажминини \$ 100 млрдга етказиш ва бу маблағларни тижорат банклари инвестицион лойиҳаларини қайта молиялаштиришга қаратиш;	<p>Монетар чекловлардан иқтисодий стимуллар моделига ўтиш, жумладан:</p> <ol style="list-style-type: none">1. ЎТТЖда валюта жамғармалари ҳажминини кескин ошириб бу маблағларни тижорат банклари лойиҳаларини қайта молиялаштиришга қаратиш;2. Базель III нормативларига монанд нормативлар ўрнатилган (ортиқ эмас);3. Алмашув курсини талаб ва таклиф мувозанатига мослаш;4. Инфляцияни тарғиб қилиш кўрсаткичларини юмшатиш;5. Молля бозорида МБнинг катнашмаслиги;6. Асосий ставкани тушириш;	<p>Ҳуқуқий соҳада:</p> <ul style="list-style-type: none">• Қишлоқда ерга мулкчилик асосларини либераллаштириш;• Транзакция харажатлари ҳуқуқий нормасини киритиш, уларни ҳисобга олиш асосларини яратиш;• Бошқарув органлари фаолиятида тақрорланишларни йўқотиш; <p>Маъмурий соҳада:</p> <ul style="list-style-type: none">• Давлат Ҳазначилик тизимини қайта қуриш;• Моллявий интизом агентлигини барпо этиш;• Моллявий ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш агентлигини тузиш;• Маъмурий ислохотлар давоми сифатида худудий бўлинмалар масъулиятини вилоят бўлинмаларини қисқартириш ҳисобига ошириш;• Саноат стратегиясини ишлаб чиқиш;

2017 йилда бошланиб, 2023 йилда давом эттирилган маъмурий ислохотлар ҳозирги шароитда ҳам мантиқан давом этиши зарур (қар. 4-жадвал). Маъмурий-институционал ислохотлар макроиктисодий сиёсатнинг моҳиятидан келиб чиқиб, бу сиёсатни амалга оширадиган барча бошқарув органлари ваколатини

аниклаштиради, улар фаолиятидаги такрорланишни олдини олади, масъулиятларни қўйи бўлимларга тушириш ҳисобига ўта марказлашган бошқарув механизмига маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш имкониятини киритади. Бу борада диссертацияда қўйидаги таклифлар асослаб берилган:

1. Бюджетнинг ижро қисмини ИМВ тизимидан чиқариш ва Ғазначилик агентлигини Вазирлар маҳкамаси қошида вертикал ва мустақил тизим сифатида тузиш. Ғазначилик таркибига Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (давлатнинг олтин-валюта жамғармаларини Марказий банк билан биргаликда бошқариш ва ташқи қарзларни белгиланган мезонлар асосида жалб қилиш функцияси билан) ҳамда, бюджетнинг даромад қисми ижросига катта ҳисса қўшувчи давлат бошқарув органлари – Давлат солиқ ва Давлат божхона қўмиталарини ўтказиш ўта муҳим.

2. Консолидация қилинган бюджет ва давлат корхоналари молиявий маблағлари ишлатилиши устидан мустақил молиявий назорат тизимини барпо этиш мақсадида Президент ҳузуридаги Ҳисоб палатаси, ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш департаменти (аввал уларга ўтказилган Давлат молиявий назорати инспекцияси билан бирга) базасида Ўзбекистон Президенти қошидаги Молиявий интизом назорати агентлигини тузиб, унга барча бюджетдан ташқари жамғармаларни қонунчилик ижроси юзасидан назорат қилиш ҳуқуқи берилиши керак.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳар йили давлат бюджети лойиҳаси билан бирга тармоқлар ва тармоқлараро ишлаб чиқариш ва истеъмол балансларини тайёрлаши, Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритиши лозим.

4. Барча ижроия иқтисодий бошқарув органларида коллектив бошқарув тизимлари (коллегия, бошқарув, илмий-техник кенгаш мажлиси каби) фаолиятини ташкил этиб, уларга махсус низомлар билан энг муҳим бўлган иқтисодий сиёсат омиллари ва амалиётдаги муҳим ишлар юзасидан автоном фикр билдирувчи ва қарор қабул қилувчи орган мақомини бериш зарур.

5. Марказий банкнинг тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш ва молиявий институтларга лицензия бериш департаментлари, ҳамда Перспектив лойиҳалар миллий агентлигининг қимматли қоғозлар бозорини назорат қилувчи тизими базасида Молиявий институтлар фаолияти назорати агентлигини Вазирлар маҳкамаси институти сифатида яратиш (Financial Conduct Authority⁵⁵ агентлигига ўхшаш) таклиф қилинган.

6. Иқтисодий бошқарув органлари фаолиятини умумий координация даражасини ошириш, қабул қилинаётган муҳим иқтисодий қарорлар ва таклифларни ҳар томонлама тарозига солинганини (филтрация қилинганини) таъминлаш мақсадида ИМВ ва Марказий банк қошида Миллий молия Кенгашини тузиш маъқул. Бу Кенгаш барча макроиқтисодий бошқарув соҳасида киритиладиган ўзгаришларни ҳар томонлама ўрганиб, улар юзасидан Ҳукуматга ва Президентга мустақил (автоном) хулоса ва таклифлар берадиган ҳукумат ва Президентнинг маслаҳат органи бўлиши керак.

⁵⁵ <https://www.fca.org.uk/>

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Стратегик ислохотлар агентлиги жамият қадриятларини ўрганиш, уларни юзага чиқариш йўлида жамиятдаги энг илғор кучларнинг ғояларини бирлаштириш, стратегик ғояларни тизимли равишда бошқарув амалиётининг инклюзив қисмига айлантириш борасида ишлаши керак. Демак, бу агентликнинг роли кўпроқ ғоялар инкубатори ва бу ғояларни вазирликлар фаолиятига, умумхалқ ҳаракати мазмунига сингдириш механизмларини ихтиро этишга қаратилган бўлиши керак.

Мулкчилик муносабатларини ўзгартириш марказлаштирилган бошқарув механизми салбий оқибатларини пасайтириш ва ишлаб чиқарувчи кучлар мотивациясини оширишга қаратилган бўлади. Бозор муносабатларини ўрнатувчи ва ҳимоя қилувчи институционал инфраструктура яратилмай (жумладан, ер майдонларининг бир нечта мезонларга асосланган сифати ҳисоботи - реестри, транзакцион харажатларни ҳисобга олиш реестри), бу институтлар том маънода мустақил, ўз қарорларини мажбуран амал этишга ундай оладиган имконияти бўлмасдан туриб, давлат томонидан қанча яхши қарорлар қабул қилинмасин ердан фойдаланиш ҳуқуқи бозор активи бўла олмайди – транзакцион харажатлар катта, уларнинг ҳисоботи, демак-ки, компенсация механизми мавҳум.

Яқуний хулосада диссертацияда баён этилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини берди:

1. Дунё бозорларида конъюнктуравий ўзгаришлар туфайли Ўзбекистоннинг анъанавий экспортини ташкил этган ҳом-ашё ресурсларига нархларнинг ўсиши, трансчегаравий пуллар оқимининг ортиши, аҳолининг тадбиркорликка бўлган интилиши, асосий капиталга инвестициялар ошишига қарамай, шу ўтиш йиллари давомида иқтисодийга бўлган фискал юкни енгиллаштириш борасида етарли ишлар олиб борилмади. Трансчегаравий ўтказмалар мамлакат тараққиёти учун жуда катта аҳамият касб этиб, оилаларнинг реал даромади, тадбиркорлик фаолияти ўсишига стимул бўлди. Лекин реал даромадлар ўсишининг ташқи омилларга боғлиқлиги борган сари кучая бошлади.

2. Неолиберализм ғоялари ортида амалга оширилган хусусийлаштириш шаҳарда ижтимоий капитални қайта тақсимлаш негизида янги тадбиркорлар синфини институционал куч сифатида юзага чиқишини тўла таъминлай олмади. Бу ҳолат қишлоқда Осиёча ишлаб чиқариш услубига асосланган иқтисодий муносабатлар ва патернализм шароитида, марказлашган бошқарув тизимини юзага келишига, унинг иқтисодий фаолиятнинг барча жабҳаларини назорат қилишга интилишига олиб келди.

3. Ўзбекистонда иқтисодий либераллаштириш, тараққиётга стимул бериш ғояси Дж.Кейнснинг давлат харажатларини инвестицион, ижтимоий лойиҳалар ҳисобига ошириш, умумий талабни юқори даражада ушлаб туриш, пул массасини ЯИМга нисбатан кичик миқдорда тутиб, юқори ставкалар билан инвестицион фаолиятни чеклаш ғояларига таянган эди. Давлатнинг ўз молиявий имкониятлари чекланган шароитда керакли маблағларни дунё молия бозорларидан имкон қадар жалб этишга моне қилади. Тарихан қисқа муддатда халқаро молия бозорларида кредитларнинг арзонлашганлиги иқтисодийнинг

ўсиши асосий имкониятга айланди. Covid-19 пандемияси таъсири сусайиши билан ҳозирги шароитда бу имконият ёпилди.

4. Ўзбекистонда 2022 йилдан кейин ҳам иқтисодий ўсишни танланган юмшоқ молия сиёсати билан амалга ошириш, инфляцияни чеклаш, айланмадаги пул массасини ЯИМ ва кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига нисбатан паст миқдорда сақлаш ғояси қўлланилди. Ижтимоий соҳада аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш (айниқса, периферия ва қишлоқларда), маҳаллалар кесимида махсус тараққиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари амалга оширилди. Ижтимоий ёрдам ва “лифтлар” тизими кам таъминланган қатламларга жорий этилди. Бу эса, ўз навбатида, давлат харажатлари ва давлат қарзи ҳажмининг кескин ошишига олиб келди.

5. Янги стратегик тараққиёт мақсадларини белгилаш янги ижтимоий шартномани жамиятга таклиф этиш деб қабул қилиниши, ва бу стратегияда макроиқтисодий бошқарув мантиғи иқтисодий чеклаш эмас (инфляцияни таргетлаш, асосий ставка ва алмашув курсини маълум чегараларда ушлаш каби) балки иқтисодий стимулларга асосланган услубларга бўлиши керак (кичик ва ўрта бизнесга бўлган фискал босимни пасайтириш, ҳозирги олтин нархлари ўсиши шароитида арзон молиявий ресурслар базасини яратиш, савдо ва ишлаб чиқариш монополияларини давлат томонидан ҳимоя қилинишини бекор қилиш каби). Янги ижтимоий шартнома жамиятда “фаровон” ривожланиш концепциясининг асосий воситаси бўлиб ва бу шартноманинг институционал ислохотлар соҳасидаги қисми мулкый муносабатларни чуқурлаштириш (хусусан, ерга эгалик мулки ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи шакллари ривожлантириш, ердан фойдаланишда транзакцион харажатлар реестрини киритиш) омилларини ўз ичига олиши керак.

6. Иқтисодий бошқарув органлари фаолиятини умумий координация даражасини ошириш, қабул қилинаётган муҳим иқтисодий қарорлар ва таклифларни ҳар томонлама ўрганилганлигини (филтрация қилинганини) таъминлаш мақсадида ИМВ ва Марказий банк қошида Миллий молия Кенгашини тузиш, Марказий банк, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги фаолиятида манфаатлар тўқнашувини уларнинг баъзи функцияларини янги тузиладиган Ғазначилик, Молиявий институтлар фаолияти назорати ва Молиявий интизом агентликларига ўтказиш орқали бартараф этиш зарур.

=====

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSC 03/30.01.2021.I.16.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АБДУКАДИРОВ АБДУЛЛА МАМАСААТОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ
МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОГО УПРАВЛЕНИЯ В СООТВЕТСТВИИ
С ЦЕЛЯМИ СТРАТЕГИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ**

08.00.02 – Макроэкономика

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации на соискание степени доктора экономических наук (DSc)

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2024.3.DSc/Iqt780.

Диссертация подготовлена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdiu) и на образовательном информационном портале “Ziyounet” (www.ziyounet.uz).

Официальные оппоненты:	Беркинов Б.Б.- д.э.н., профессор Мустафокулов Ш.И.- д.э.н., профессор Азимов Р.С.- д.э.н., профессор
Ведущее учреждение	Институт стратегических и межрегиональных исследований (ИСМИ) при Президенте Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится 27 декабря 2024 года в 14:00 часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc 03/30.01.2021.I.16.03 при Ташкентском государственном экономическом университете.

Адрес: 100066, город Ташкент, улица Ислама Каримова, дом 49.

Телефон: +99871 2392872

Электронная почта: tsue@tsue.uz; info@tsue.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (под номером _____).

Адрес: 100066, город Ташкент, улица Ислама Каримова, дом 49.

Телефон: +99871 2392872

Электронная почта: tsue@tsue.uz; info@tsue.uz

Автореферат диссертации официально распространен с “__” декабря 2024 года (реестровый протокол № ____ от “__” декабря 2024 года).

С.К. Худойкулов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

Б.Д. Хажиев
Секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

У.В. Гофуров
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

Введение. Аннотация диссертации доктора наук (DSc).

Актуальность и необходимость темы диссертации.

Эффективность развития общества зависят от двух факторов: сущности поставленных стратегических целей и методов управления, выбранных для их достижения, способов воздействия на экономику. Диалектика целей и методов их достижения всегда находилась в центре внимания экономической мысли.

В последние годы в экономической теории и практике активно обсуждаются идеи неолиберализма, основанные на социальных ценностях, а также потенциал и возможности нового кейнсианства, опирающегося на силу государства, его возможности и неприкосновенность частной собственности. Для понимания сущности истории Узбекистана и осознания перспектив развития такие исследования представляют значительную важность.

Особое практическое значение имеет изучение логики экономического взаимодействия между государством, бизнесом и обществом для формирования модели экономической политики. Согласно прогнозам Всемирного банка, темпы роста мировой экономики в 2024 году останутся на уровне 2,6%, а в 2025–2026 годах составят в среднем 2,7%. Эти показатели значительно ниже среднего уровня роста в 3,1%, наблюдавшегося на протяжении 10 лет до пандемии COVID-19. В прогнозе также отмечается, что в странах, где проживает более 80% населения мира, средние темпы роста ВВП будут ниже, чем в предыдущие 10 лет. Экономика Узбекистана стала неотъемлемой частью мировой экономики. По итогам 2023 года темпы роста валового внутреннего продукта (ВВП) Узбекистана составили 5,8% по сравнению с 2022 годом. При этом государственные расходы увеличились на 17,9%, внешний государственный долг достиг 34,9 млрд долларов США (38,4% от ВВП), текущий дефицит платежей составил 7,8 млрд долларов США (8,6% от ВВП), а годовая инфляция - 8,8%.

В таких условиях создание оптимального сочетания и уровня влияния институциональных, административных и макроэкономических компонентов в управленческой практике с учетом внутренних и внешних факторов, а также потенциальных условий повышения эффективности управления приобретает большое значение. **Научная актуальность и необходимость диссертации** обуславливается важностью изучения взаимосвязи между сущностью стратегического выбора и эффективностью методов достижения поставленных задач.

Указы Президента Республики Узбекистан, такие как УП-158 от 11 сентября 2023 года «О Стратегии Узбекистан-2030», УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы», УП-5177 от 2 сентября 2017 года «О первоочередных мерах по либерализации валютной политики», УП-5185 от 8 сентября 2017 года «Об утверждении Концепции административных реформ в Республике Узбекистан», а также Послание Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису и народу Узбекистана от 20 декабря 2023 года и другие нормативно-правовые акты служат нормативной основой для исследования.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития государственной науки и технологий. Исследование диссертации выполнено на основе задачи «Обеспечение фискальной стабильности и эффективного управления государственными обязательствами», указанной во втором разделе «Обеспечение благосостояния населения через устойчивый экономический рост» приложения №1 к Указу Президента Республики Узбекистан УП-158 от 11.09.2023 года «О Стратегии Узбекистан-2030».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Исторически сущность и содержание отношений между государством и обществом на пути к достижению общих целей широко освещались начиная от Сократа⁵⁶, Платона⁵⁷ и Аристотеля до выдающегося представителя Великой французской философии Жан-Жака Руссо⁵⁸ (Jean-Jacques Rousseau). В XIX веке о сущности отношений между государственными и общественными философскими категориями писали классики политической экономии, такие как Д. Рикардо⁵⁹, Г. В. Гегель⁶⁰, И. Кант⁶¹, К. Маркс⁶² и другие. В XX веке эти темы подробно раскрывались в работах Ф. Оппенгеймера⁶³, М. Ротбарда⁶⁴, Г. Лассуэлла⁶⁵ и других авторов.

Основы институционального развития государства и общества, а также их влияние на экономическое развитие были широко использованы в диссертации на основе трудов таких авторов, как Торстейн Веблен⁶⁶, Джон Р. Коммонс (John R. Commons)⁶⁷, Джон Кеннет Гэлбрейт (John Kenneth Galbraith)⁶⁸, Гуннар Карл Мюрдаль (Gunnar Karl Myrdal)⁶⁹, Карл Поланьи (Karl Polanyi), Кларенс Эдвин Айрес (Clarence Edwin Ayres)⁷⁰. Т. Веблен первым разработал «Теорию праздного класса», в которой раскрыл возможные угрозы, связанные с целями финансовой олигархии, способной завести общество в тупик. В диссертации уделено особое внимание трудам основателей неоинституционализма, включая Рональда Коуза (Ronald Coase)⁷¹, Дугласа Норта (Douglas North)⁷², Оливера

⁵⁶ [Диоген Лаэртский](#). О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов / Редактор тома и автор вступительной статьи [А. Ф. Лосев](#). второе. М.: Мысль, 1986. (Философское наследие).

⁵⁷ [Аристотель](#). [Афинская политика](#). Перевод и примечания С. И. Радцига. 2-е изд. Государственное социально-экономическое издательство, М.: 1937.

⁵⁸ [The Social Contract](#), or Principles of Political Right (Du contrat social), 1762

⁵⁹ Давид Рикардо: https://Principles_of_Political_Economy_and_Taxation

⁶⁰ Георг Вильгельм Гегель: Фалсафий фанлар энциклопедияси:

https://Encyclopedia_of_the_Philosophical_Sciences

⁶¹ Иммануил Кант: Хукмлар критикаси: https://Critique_of_Judgment

⁶² Карл Маркс: Капитал. Сиёсий иқтисод танқиди: https://Das_Kapital

⁶³ Франц Оппенгеймер: “Давлат”: <https://www.franz-oppenheimer.de/state0.htm>

⁶⁴ Мюррей Ротбард: Давлат Анатомиyasi:

http://rustate.org/rusunstate/Murray_Rothbard_Anatomiya_Gosudarstva.pdf

⁶⁵ Гарольд Лассуэлл: Психопатология ва сиёсат: [РАГС нашриёти](#), 2005 й.

⁶⁶ T.Veblen, “Theory of Leisure Class” - “Беғам синф назарияси” автори, АҚШ иқтисодчиси ва социологи

⁶⁷ J.R. Commons: The Distribution of Wealth, Vol. 3 (1893).

⁶⁸ J.K.Galbraith: The anatomy of power. Boston: Houghton Mifflin, 1983

⁶⁹ G.K.Myrdal: Asian Drama: an inquiry into the poverty of nations. Australian Institute of Policy & Science, 1968

⁷⁰ C.A.Ayres: Institutionalism and economic development. 1960. Southwestern social science quarterly

⁷¹ R.Coase: "The Problem of Social Cost". 1960, University of Chicago

⁷² D.North: Institutions Change and economic performance. 2012. Cambridge University Press

Уильямсона (Oliver E. Williamson)⁷³, Кеннета Эрроу (Kenneth Arrow)⁷⁴, Джорджа Стиглера (George J. Stigler)⁷⁵, Армена А. Алчиана (Armen A. Alchian)⁷⁶, Гарольда Демсеца (Harold Demsetz)⁷⁷, Ричарда Познера (Richard Posner)⁷⁸, Александра Аузана⁷⁹ и других. Однако наиболее глубокий анализ был направлен на изучение трудов Джона Мейнарда Кейнса (John Maynard Keynes)⁸⁰, который раскрыл ведущую роль государства в современных отношениях государство-экономика и заложил основы теории социальной экономики. Его взгляды, по ряду причин, легли в основу логики и смысла макроэкономических методов управления в новой модели развития Узбекистана.

